O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 22 апрель, № 79-80 (4489-4490) Сешанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 13 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164,165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **135¹-модда** билан тўлдирилсин:

**«135¹-модда. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузиш**

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисларида назарда тутилмаган фойдаланиш даврида транспорт воситаларини бошқариш, худди шунингдек фақат мазкур суғурта полисларида кўрсатилган ҳайдовчилар айни шу транспорт воситаларини бошқариши тўғрисида мазкур суғурта полисларида назарда тутилган шартларни бузган ҳолда транспорт воситаларини бошқариш, —

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича қонунда белгиланган мажбуриятнинг транспорт воситалари эгалари томонидан бажарилмаслиги, худди шунингдек, агар бундай мажбурий суғурта қилинмаганлиги олдиндан аён бўлса, транспорт воситаларини бошқариш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир баравари, мансабдор шахсларга эса — энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

(Давоми 2-бетда).

# СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ




***Жорий йилнинг 12-19 апрель кунлари ўзбекистонлик спорт ихлосмандлари хотирасида узоқ вақт сақланиб қолса, ажабмас. Негаки, айнан шу кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтказилган III Жаҳон яккакурашлар ўйинларида муайтай бўйича Ўзбекистон терма жамоаси саккиз нафар спортчи билан қатнашиб, 7 та олтин ва 1 та кумуш медали билан умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.***

Иккинчи ўрин Таиланд, учинчи ўрин эса Иордания мамлакати муайтайчиларига насиб этди. Мусобақада 50 га яқин мамлакатдан спортчилар қатнашганлигини ҳисобга олсак, медаллар учун кураш қанчалик қизғин кечганлиги ўз-ўзидан ойдинлашади.

Кеча пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида музаффар спортчиларимизни тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги раҳбарияти, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва спортчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Таъкидландики, халқаро миқёсда ўтказиладиган нуфузли мусобақаларда бирон-бир мамлакат иштирокчиларининг тўлиқ таркиб билан финал йўлланмасини қўлга киритган ҳолатлари камдан-кам учрайди. Ўзбекистонлик муайтайчилар эса ана шу қийин вазифани уддаладилар. Қолаверса, умумжамоа ҳисобида муайтай спорт тури ватани Таиланд спортчиларини ҳам ортда қолдирган

(Давоми 8-бетда).

# ОҚИБАТ — АЗИЗ, ХОТИРА — МАНГУ

***— Одам боласи баъзида теваракка боқиб, дунёни чуқурроқ ўйлаб кўриши керак экан, — дейди дўстларимдан бири, отасининг йил ошидан кейин қадрдонлари билан суҳбатлашаётиб. — Биз оилада ўн иккита фарзанд эдик, отамнинг тўрт акаси урушда ҳалок бўлган.***

**9 май — Хотира ва қадрлаш куни**

Авлодимизнинг яккаю ягона давомчиси бўлиб отам қолган экан. Бувим тўрт аканг кўрмаган фарзандларни сенга берсин, деб васият қилган, ўз навбатида, отам катта опам билан акамни тўнғич акалари аёлига, икки опамни яна бир амакимнинг аёлига фарзандликка бериб, кечани кеч, кундузни кундуз демай катта рўзғоримизни тебратганлар. Дадам деярли кунора ширинлик обкелар, бизларни тўплаб уни тарқатар, лекин зинҳор-базинҳор ўзи емасди. "Менга мумкин эмас", деб баҳона топарди. Аслида "Мен есам, болаларим тўймай қолади" деган ўйда ўзини тиярди. Ширинликни паққос уришимиздан завқланиб, "Ҳаётинглар ширин бўлсин" деб астойдил суюнарди. Отам қазо қилишидан бир кун олдин бозорга тушиб, Қўқон ҳолвасидан беш килоча харид қилиб, ойимга "Кенжанг ҳолвани яхши кўради, болаларига шакалад ўрнига ҳолва берсин. Ҳолва боланинг илигини пиширади", деган экан. Отамни кўмдим, йиғлаб-йиғлаб дадамни менга ва болаларимга атаган ҳолвасини олиб қайтдим.

Бу суҳбатдан анча вақт ўтгач, ўша дўстимни Хотира майдонида учратдим. Кўришдик. Бир қучоқ гул олиб Мотамсаро она ҳайкали пойига қўйибди.

— Ойим айтдилар, ҳар йили отам шу ерга келаркан, акалари руҳига дуойи фотиҳа қилиб, ҳайкал пойига гулдаста қўяркан. Мен нодон, билмадим. Мен... — дўстимнинг ўпкаси тўлиб кетди. У нимадандир жуда хижолат эди.

Ҳа, умр шамолдай чопқир. Вале, ана шу муддатда қанчадан-қанча саховатли, олижаноб, мард ва танти инсонларнинг меҳридан баҳраманд бўласан. Уларнинг ҳаётларидан, одобу

(Давоми 8-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ, ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЧОРВА МОЛЛАР КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни янада кўпайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда ишлаб чиқилган:

шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар 1-иловага мувофиқ;

2008-2010 йиллардаги даврда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар сони кўпайишининг мақсадли параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2008-2010 йилларда суғориладиган ерларда ем-хашак экинлари майдонларининг ҳисоблаб чиқилган прогнози 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммаларига мазкур қарор билан тасдиқланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, тижорат банкларининг 4-иловага мувофиқ шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар ажратишни кенгайтириш тўғрисидаги таклифига;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Республика "Ўзнаслчилик" корхонасининг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, сервис пунктлари тармоқларини ташкил этиш йўли билан чорва молларни сунъий урчитиш бўйича ўз базасини яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ва бошқа хўжаликларга, шунингдек, паррандачилик корхоналарига ажратилган суғорма ерлар фақатгина ем-хашак экинлари экиш учун мўлжалланган ва давлат эҳтиёжлари учун пахта ҳамда донли экинлар экишда фойдаланилмайди.

"Ўзқишлоқмашлизинг" компанияси маҳаллий корхоналар — "Агрегат заводи" ОАЖ ва "Урганчеммаш" АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган ем-хашакни йиғиштириб оладиган техникани қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига лизинг асосида берилишини ташкил этсин.

"Ўздонмаҳсулот" АК 5-иловадаги прогноз ҳажмларига мувофиқ фермер хўжаликлари ихтиёрида қолаётган, чорвачилик учун тўлақонли омихта ем ишлаб чиқаришнинг оширилишини таъминлайдиган омихта ем саноатини модернизация қилиш ва қўшимча дон ресурслари харид қилишни ташкил этишнинг аниқ чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чигит етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишни тартибга солиш тўғрисида" 2006 йил 31 майдаги ПҚ-360-сонли қарори 3 ва 4-бандлари, шунингдек, мазкур қарорнинг 2-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

(Давоми 2-бетда).

Қирқиш чизиғи

**38-модда. Низоларни ҳал этиш**

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**39-модда. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**40-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**41-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 21 апрель
№ ЎРҚ — 155

32

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида**

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2008 йил

Қирқиш чизиғи

(ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини суғурта пули доирасида қоплаш тўғрисидаги талаб билан ёзма ариза юбориши шарт.

Жабрланувчининг ёки унинг меросхўрларининг (агар жабрланувчининг аҳволи мустақил равишда мурожаат қилишга имкон бермаса, қариндошлари ёки бошқа вакилларининг) ёхуд унинг ҳуқуқий ворисларининг суғурта тўлови тўғрисидаги талаби кўрсатилган аризаси қуйидагиларнинг асли ёки нусхалари илова қилинган ҳолда суғурталовчига ёки унинг вакилига юборилади:

суғурта полиси (агар бўлса);

зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаси маълумотномаси ёхуд ҳаёт ёки соғлиққа зарар етказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ўлим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома);

мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш учун тузилган шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар);

жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар суғурта товони жабрланувчининг меросхўрларига ёхуд ҳуқуқий ворисларига тўланиши керак бўлса).

Агар фойдаланилаётганда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказган транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанмаган ёки эгаси номаълум бўлса, жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда компенсация тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу Қонуннинг жабрланувчиларга тааллуқли қоидалари боқувчисининг вафоти натижасида зарар кўрган шахсларга, жабрланувчиларнинг меросхўрларига ҳамда фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахслар томонидан транспорт воситаларидан фойдаланишда жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга бўлган ўзга шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

**20-модда. Суғурта ҳодисасининг тўғридан-тўғри ҳал этилиши**

Суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этишда суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта

16

Буклаш чизиғи

шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) бўлган жабрланувчи ўзи билан мажбурий суғурта шартномасини тузган суғурталовчига ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ёзма шаклда мурожаат қилишга ҳақли.

Суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш қўлланилганда айбдор тарафнинг суғурталовчиси жабрланувчининг суғурталовчисига жабрланувчига суғурта товонини тўлаш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

**21-модда. Жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган ҳамда мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланадиган зарарнинг миқдорини аниқлаш**

Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган ҳамда мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланадиган зарарнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланади. Жабрланувчи (унинг меросхўри) ўз ташаббуси билан ёки суғурталовчининг сўровига биноан суғурталовчига ушбу Қонун 19-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилган барча ҳужжатларни тақдим этиши, шунингдек унга ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ҳажми ҳамда хусусиятини тасдиқловчи барча маълум бўлган маълумотларни ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Мол-мулкка зарар етказилганда жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини зарар етказилиши ҳолатларини аниқлаш ва ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини белгилаш мақсадида суғурталовчига кўздан кечириш ва мустақил экспертизани (баҳолашни) ташкил этиш учун ўз ташаббуси билан ёки суғурталовчининг сўровига биноан тақдим қилиши шарт.

Агар жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) томонидан тақдим этилган шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилиш (баҳолаш) суғурта ҳодисаси мавжудлигини ҳамда мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини тўғри аниқлаш имконини бермаса, мазкур ҳолатларни аниқлаш учун суғурталовчи суғурта қилдирувчининг фойдаланилаётганда жабрланувчига зарар етказилган шикастланган транспорт воситасини кўздан кечиришга ва (ёки) ушбу транспорт воситасига ёки унинг қолдиқларига нисбатан такрорий мустақил экспертизани (баҳолашни) ташкил этишга ҳақлидир. Суғурта қилдирувчи суғурталовчининг талабига кўра

17

дан фойдаланиш тартибини, шу жумладан жорий фаолиятга доир харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг ижро этувчи органини шакллантиради ва унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

аудиторлик ташкилотини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**34-модда. Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг молиявий ва бошқа ҳисоботлари**

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси махсус ваколатли давлат органига молиявий ҳамда бошқа ҳисоботларни шу орган белгилаган шаклда ва муддатларда тақдим этади.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳри бўлади.

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси йиллик молиявий ҳисоботининг тўғрилиги аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши керак.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг йиллик молиявий ҳисоботи кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг йиллик молиявий ҳисоботи махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган шаклда ва муддатларда матбуотда эълон қилинади.

**35-модда. Мажбурий суғурта бўйича фаолиятни амалга оширувчи суғурталовчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Суғурталовчилар:

Тўловларни кафолатлаш жамғармасидан унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни сўраш ва олишга;

тузилган мажбурий суғурта шартномаларининг сони, мажбурий суғурта бўйича олинган суғурта мукофотларининг, мажбуриятларнинг ва тўланган суғурта товонларининг миқдорлари ҳақидаги ахборотни Тўловларни кафолатлаш жамғармасидан сўраш ҳамда олишга ҳақли.

Суғурталовчилар:

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси билан ёзма битимлар тузишлари;

ушбу Қонунда белгиланган мажбурий бадалларни ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўлашлари;

тузилган мажбурий суғурта шартномаларининг сони,



қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**жабрланувчи** – транспорт воситаси бошқа шахс томонидан фойдаланилаётганда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган шахс;

**компенсация тўловлари** – мажбурий суғурта бўйича суғурта тўловини амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолларда, жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига амалга ошириладиган тўловлар;

**суғурта ҳодисаси** – транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги учун суғурта қилдирувчининг ёки транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича жавобгарлиги суғурталанган бошқа шахснинг фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши бўлиб, бу суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбуриятини келтириб чиқаради;

**суғурталовчи** – мажбурий суғурта қилишга ҳақли тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс;

**суғурта қилдирувчи** – суғурталовчи билан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузган транспорт воситаси эгаси;

**суғурта пули** – бу шундай суммаки, суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда етказилган зарарнинг ўрнини унинг доирасида жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) қоплаш мажбуриятини олади;

**транспорт воситаси** – йўлларда одамларни, багажни, юкларни ёки ўзига ўрнатилган ускуналарни ташиш учун мўлжалланган қурилма;

**транспорт воситасининг эгаси** – транспорт воситасининг мулкдори, шунингдек транспорт воситасига хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқида ёхуд бошқа қонуний асосда (мулк ижараси шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома, тегишли органнинг мазкур шахсга транспорт воситасини топшириш тўғрисидаги фармойиши ва шу кабилар) эгалик қилувчи шахс. Ўз хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажариши туфайли, шу жумладан транспорт воситасининг мулкдори ёхуд ўзга эгаси билан меҳнат шартномаси ёки



Суғурталовчининг алмаштирилишига махсус ваколатли давлат органининг ва суғурталовчининг қайси суғурта қилдирувчилар олдидаги мажбуриятлари мажбурий суғурта шартномаси бўйича бошқа суғурталовчига ўтказиладиган бўлса, шу суғурта қилдирувчиларнинг розилиги билан йўл қўйилади. Бундан ташқари, мажбуриятлар бошқа суғурталовчига ўтказиладиган мажбурий суғурта шартномалари бўйича суғурта тўловларини амалга оширишни талаб қилаётган жабрланувчиларнинг (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларининг) розилигини олиш зарур бўлади.

Мажбурий суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларни қабул қилиб олаётган суғурталовчининг суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) суғурталовчини алмаштиришга рози эканликлари тўғрисидаги сўрови ёзма шаклда амалга оширилади. Сўровда суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчиларнинг (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларининг) суғурталовчининг алмаштирилишини рад этиш ҳуқуқи тушунтириб берилиши керак.

Суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) суғурталовчининг алмаштирилишига розилик беришга ёки рад этишга ҳақлидир. Суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) мажбурий суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни топширувчи ёки қабул қилиб олувчи суғурталовчини ўз қарори тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Махсус ваколатли давлат органи, агар:

мажбурий суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларни қабул қилиб олувчи суғурталовчи мажбурий суғурта бўйича суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаса;

суғурталовчининг мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўзига ўтказилаётган мажбуриятларни қабул қилиб олиши қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган, бажарилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятлилик нормативларининг бузилишига сабаб бўлса;

суғурталовчининг алмаштирилиши тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари талабларига номувофиқ бўлса, суғурталовчининг алмаштирилишини рад этишга ҳақли.

**3-боб. Суғурта ҳодисалари бўйича зарарнинг ўрнини қоплаш**

**19-модда. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчилар ва жабрла-**



**22-модда. Суғурта товони миқдори**

Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган сумма доирасида аниқланади.

Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта пулининг 35 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бир нечта жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган сумма доирасида аниқланади.

Суғурталовчи суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) ташаббуси билан ёки суғурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан юзага келган суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини, ҳатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплайди.

Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.

Жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган суғурта пули доирасида қопланади.

**23-модда. Суғурта товонини тўлаш**

Суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади.

Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа



Қирқиш чизиғи

мол-мулкидан ажратиб қўйилади, улар бўйича алоҳида ҳисоб юритилади ва алоҳида банк ҳисобварағи очилади.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг компенсация тўловларини молиялаштириш ва суғурта мукофотлари бўйича сийловларни компенсация қилиш учун мўлжалланган маблағларининг вақтинча бўш турган қисмини инвестициялаш йўналишлари ҳамда ҳажмлари ҳар йили Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг кузатув кенгаши (бундан буён матнда кузатув кенгаши деб юритилади) томонидан тасдиқланади. Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг мазкур маблағларни инвестициялаш диверсификация, қайтарилиш, фойдалилик ва ликвидлик шартлари асосида амалга оширилади.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг ўз маблағларини давлат қимматли қоғозларига ва бошқа активларга жойлаштиришдан олинган даромадлари солиқ солиш объекти бўлмайди.

Махсус ваколатли давлат органи Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг компенсация тўловларини молиялаштириш ва суғурта мукофотлари бўйича сийловларни компенсация қилиш учун банк ҳисобварағидаги маблағларнинг энг кам суммасига нисбатан талаблар белгилаши мумкин.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг молиявий фаолияти ҳар йили аудиторлик текширувидан ўтказилиши шарт.

**32-модда. Суғурталовчиларнинг Тўловларни кафолатлаш жамғармасига тўлайдиган мажбурий бадаллари**

Бир йўла ва календарь муддатларда тўланадиган бадаллар суғурталовчиларнинг Тўловларни кафолатлаш жамғармасига тўлайдиган мажбурий бадалларидир.

Суғурталовчининг Тўловларни кафолатлаш жамғармасига бир йўла тўлайдиган бадали миқдори Тўловларни кафолатлаш жамғармасига бадални тўлаш кунидаги, қонун ҳужжатларида белгиланган суғурталовчи устав фонди энг кам миқдорининг 0,1 фоизини ташкил этади.

Календарь муддатларда тўланадиган бадал суғурталовчилар томонидан Тўловларни кафолатлаш жамғармасига йилнинг ҳар чорагида ўтказиладиган пул маблағларидан иборат бўлади. Тўловларни кафолатлаш жамғармаси календарь муддатларда тўланадиган бадал миқдорини суғурталовчи тузган мажбурий суғурта шартномалари бўйича жами суғурта пулининг йилнинг ҳисобот чорагидаги ўсиши ҳажмидан келиб чиқиб, махсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда белгилайди.

Суғурталовчилар томонидан календарь муддатларда



тилган транспорт воситаси бошқа эгасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталаниши мумкин.

**6-модда. Транспорт воситалари эгаларининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти**

Транспорт воситалари эгалари транспорт воситаларидан фойдаланишда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказганлик учун ўз фуқаролик жавобгарлигини ушбу Қонунда белгиланган тартибда ва шартларда суғурталашлари шарт.

Фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти қуйидаги транспорт воситаларининг эгаларига нисбатан татбиқ этилмайди:

энг катта конструктив тезлиги соатига йигирма километрдан ошмайдиган транспорт воситалари;

тиркамалар ва икки, уч ғилдиракли ёки иш ҳажми эллик куб сантиметргача бўлган двигатель ёки инсон ёхуд ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган бошқа транспорт воситалари;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг транспорт воситалари, бундан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг хўжалик фаолиятини таъминлаш учун фойдаланиладиган автобуслар, енгил автомобиллар, бошқа транспорт воситалари мустасно;

чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари, агар улар эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган халқаро мажбурий суғурта тизимлари доирасида суғурталанган бўлса.

Транспорт воситасига эгалик қилиш ҳуқуқи вужудга келганда (у мулк қилиб, хўжалик юритувига, оператив бошқаришга ёки бошқа қонуний асосда олинганда) транспорт воситаси эгаси унга эгалик қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурталаши шарт.

Ушбу Қонунга мувофиқ фуқаролик жавобгарлиги бошқа шахс томонидан суғурталанган транспорт воситалари эгаларига нисбатан фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти татбиқ этилмайди.

Эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги ушбу Қонунга мувофиқ суғурталанмаган транспорт воситаларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келганда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган халқаро мажбурий суғурта тизимларининг суғурта полислари мавжуд бўлмаган тақдирда, чет давлатларда рўйхатдан



беради. Бунда суғурта қилдирувчи суғурталовчининг дубликатни тайёрлаш учун қилган харажатлари ҳақини тўланган суғурта мукофотининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлаши керак.

Суғурта полисида қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:

суғурталовчи тўғрисидаги;

суғурта қилдирувчининг, ҳайдовчининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи тўғрисидаги;

суғурталовчининг, унинг барча вакилларининг номи, жойлашган ери (почта манзили), улар билан алоқа боғлаш воситалари ҳақидаги ҳамда вакилларнинг иш вақти тўғрисидаги;

суғурта қилдирувчининг фаолияти тури тўғрисидаги;

мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш даври тўғрисидаги;

суғурта мукофоти тўғрисидаги;

суғурта пули тўғрисидаги;

эгасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинаётган транспорт воситаси тўғрисидаги;

мажбурий суғурта шартномасининг бошқа муҳим шартлари тўғрисидаги.

Суғурта полиси бланкасининг намунаси ва уни тайёрлаш тартиби, шунингдек махсус давлат белгисининг шакли ҳамда уни транспорт воситасига жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**16-модда. Транспорт воситасидан чекланган тарзда фойдаланишда мажбурий суғурта қилиш**

Транспорт воситасининг эгаси ўзига тегишли транспорт воситасидан чекланган тарзда фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда мажбурий суғурта шартномасини тузишга ҳақлидир.

Транспорт воситасининг фақат суғурта қилдирувчи кўрсатган ҳайдовчилар томонидан бошқарилиши ва (ёки) транспорт воситасидан мавсумий (календарь йилда мажбурий суғурта шартномасида белгиланган олти ёки ундан кўпроқ ой мобайнида) фойдаланилиши транспорт воситасидан чекланган тарзда фойдаланиш деб эътироф этилади. Транспорт воситасининг эгаси суғурталовчига мажбурий суғурта шартномасини тузишда мазкур ҳолатлар ҳақида ёзма равишда билдиришга ҳақли. Бу ҳолда суғурта мукофоти транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган



маси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) айби даражасига мувофиқ суғурта товонини тўлайди.

Агар суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта товони тўловлари бир нечта жабрланувчига (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) тўланиши керак бўлса ва уларнинг суғурталовчига билдирилган талаблари суммаси суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлса, суғурта товони ҳар бир жабрланувчининг барча жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) талабларининг умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

Ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдори тўлиқ аниқлангунига қадар суғурталовчи жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) аризасига кўра суғурта тўловининг мазкур зарарнинг амалда аниқланган қисмига мувофиқ бўлган қисмини тўлашга ҳақли.

Жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) билан келишувга кўра ва мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган шартлар асосида суғурталовчи шикастланган мол-мулкнинг суғурта товони ҳисобидан таъмирланишини ва (ёки) унинг қолдиқлари утилизация қилинишини ташкил қилишга ва ҳақини тўлашга ҳақли.

Суғурта товонини тўлаш суғурталовчи суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори суғурта қилдирувчига у суғурта товони тўлаш тўғрисида ёзма мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак ва товон тўлаш рад этилганда, қарорда рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилиши лозим.

Агар суғурта товонини тўлаш ушбу Қонунда белгиланган муддатда амалга оширилмаган бўлса, суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта товонига қўшимча равишда, суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня тўлайди.

Агар мажбурий суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта товони тўласа, суғурта қилдирувчи суғурталовчидан суғурта товони тўланганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки ҳафталик муддатда тўланган суғурта товони суммасига ва мажбурий суғурта шартномаси амал қилишининг қолган муддатига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофотини тўлайди.

Суғурталовчи мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши даврида вужудга келган зарарларнинг ўрнини, агар жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) зарарларни келтириб чиқарган суғурта ҳодисаси ҳақида зарар-



Қирқиш чизиғи

харажатлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

**28-модда. Компенсация тўловлари суммаларини ундириш**

Ушбу Қонун 25-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисига мувофиқ жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланган компенсация тўлови суммаси жабрланувчига етказилган зарар учун жавобгар шахсдан Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг даъвосига кўра регресс тартибида ундириб олинади. Тўловларни кафолатлаш жамғармаси мазкур шахсдан компенсация тўлови ҳақидаги жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) талабини кўриб чиқиш учун қилинган харажатлар қопланишини талаб қилишга ҳам ҳақли.

Жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) суғурталовчига нисбатан мажбурий суғурта бўйича суғурта тўловини талаб қилиш ҳуқуқи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) ушбу Қонун 25-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисига мувофиқ тўланган компенсация тўлови суммаси доирасида Тўловларни кафолатлаш жамғармасига ўтади.

**5-боб. Мажбурий суғурта бўйича тўловларни кафолатлаш**

**29-модда. Тўловларни кафолатлаш жамғармаси**

Мажбурий суғурта бўйича тўловларни кафолатлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Тўловларни кафолатлаш жамғармаси ташкил этилади.

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Низом асосида фаолият кўрсатади.

**30-модда. Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг асосий вазифалари**

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

транспорт воситаларидан фойдаланилаётганда жабрланувчиларга етказилган зарарнинг ўрни уларга ушбу Қонун талабларига мувофиқ компенсация тўловларини амалга ошириш орқали кафолатли қопланишини таъминлаш;

ушбу Қонунга мувофиқ суғурта мукофотлари бўйича сийловлар олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг айрим



уларга ўрнатилган ускуналарга зарар етказганлиги;

юкни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот ҳудудида ҳаракатланаётганида зарар етказилганлиги;

нодир ва бошқа ноёб буюмларга, меъморий ёдгорликлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан ва металлардан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмларга, санъат асарлари, қўлёзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсулларига, қимматли қоғозларга, нақд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;

жабрланувчиларнинг суғурта ҳодисаси юзага келишига қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлари натижасида зарар етказилганлиги.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолларда транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келган тақдирда етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши керак.

**9-модда. Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш муддати**

Мажбурий суғурта шартномаси бир йил муддатга тузилади, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида, шунингдек ушбу Қонуннинг 16-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситаларининг эгалари ушбу транспорт воситаларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланиладиган бутун муддатга, лекин камида ўн беш кунга мажбурий суғурта шартномасини тузади, ушбу Қонун 6-моддаси иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Транспорт воситаси олинганда (сотиб олинганда, мерос қилиб олинганда, ҳадяга олинганда ва ҳоказо) унинг эгаси транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш жойига бориш муддатига мажбурий суғурта шартномасини тузишга ҳақлидир. Бунда транспорт воситасининг эгаси транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилгунига қадар бир йилга мажбурий суғурта шартномасини тузиши шарт.

**10-модда. Мажбурий суғурта бўйича суғурта тарифларининг давлат томонидан тартибга солиниши**

Мажбурий суғурта бўйича суғурта тарифларини давлат



Транспорт воситасининг эгаси ўзгариши ёки транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақиқланиши ёхуд у бундан буёнги фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатда эканлиги сабабли мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши муддатидан илгари тугатилган тақдирда, суғурта мукофотининг бир қисми тўланган суғурта товони суммасига ва мажбурий суғурта тўғрисидаги шартноманинг қолган амал қилиш муддати кунларига мутаносиб суммада суғурта қилдирувчига қайтарилади.

Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилганидан бошқа асосларга кўра муддатидан илгари тугатилганда, суғурталовчи суғурта мукофотининг қайтариладиган қисмидан мазкур мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўзининг исботланадиган харажатлари суммасини суғурта мукофотининг 25 фоизидан ошмаган миқдорда чегириб қолиши мумкин.

Пул маблағлари суғурталовчининг банк ҳисобварағига келиб тушган сана суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

**13-модда. Суғурта мукофотлари бўйича сийловлар**

Суғурта мукофотлари бўйича сийловлар олиш ҳуқуқига қуйидагилар эга:

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ёки партизанлари ёхуд уларга тенглаштирилган шахслар;

1941–1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронти фахрийлари;

концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари;

ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг ота-онасидан бири ёки бошқа турмуш қурмаган беваси;

Чернобиль АЭСдаги авария оқибатида жабрланганлар;

пенсионерлар;

ногиронлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган суғурта қилдирувчиларга суғурта мукофоти тўлашда суғурта мукофоти суммасининг 50 фоизи миқдорида сийлов берилади. Суғурта мукофоти суммасининг қолган 50 фоизи Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан (бундан буён матнда Тўловларни кафолатлаш жамғармаси деб юритилади) суғурталовчининг суғурта мукофотига доир сийловни компенсация қилиш масаласи юзасидан ёзма равишда мурожаати олинган



тўлови қуйидагилар оқибатида тўланиши мумкин бўлмаган ҳолларда амалга оширилади:

суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлиги;

жабрланувчига етказилган зарар учун жавобгар шахснинг номаълумлиги;

фойдаланилаётганда зарар етказган транспорт воситасининг эгаси ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаганлиги.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий календарь йилда якунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар компенсация тўловларини олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган чет давлатлар фуқаролари компенсация тўловларини олиш ҳуқуқига, агар шу чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ шундай ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилган бўлса, эгадир.

Компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисидаги талаб жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган кундан эътиборан уч йил ичида билдирилиши мумкин.

**26-модда. Компенсация тўловларини амалга ошириш**

Суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлиги оқибатида суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлаш имкони бўлмаган тақдирда суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисидаги далолатномани ва суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда Тўловларни кафолатлаш жамғармасига жабрланувчиларга (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилади.

Фойдаланилаётганда жабрланувчига зарар етказилган транспорт воситаси эгасининг номаълумлиги ёки фуқаролик жавобгарлиги суғурталанмаганлиги сабабли суғурта товонини тўлаш имкони бўлмаган тақдирда жабрланувчи ёки унинг меросхўрлари (агар жабрланувчининг аҳволи мустақил равишда мурожаат этиш имконини бермаса, қариндошлари ёки бошқа вакиллари) ёхуд ҳуқуқий ворислари қуйидаги ҳужжатларнинг аслини ёки нусхаларини илова

шахс) жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини суғурталовчининг ёзма розилиги билан ўз ҳисобидан қопласа, суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганидан кейин суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта тўловини тўлайди.

Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) транспорт воситасидан фойдаланиш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурталовчининг ёзма розилигисиз ҳар қандай усулда қопласа ёки қоплашни ваъда қилса, суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) бу ҳаракатлари суғурталовчи учун мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Жабрланувчи (унинг меросхўри) ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига бошқа манбалардан олган тўловлар суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятини камайтирмайди.

Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) суғурта ҳодисаси содир бўлганда зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш чораларини кўрганлиги ёхуд жабрланувчига кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатганлиги суғурталовчи ушбу Қонунда ўзи учун белгиланган мажбуриятларни бажаришни рад этишига асос бўлолмайди.

Агар мажбурий суғурта объекти бир вақтнинг ўзида ихтиёрий суғурта бўйича ҳам суғурталанган бўлса, ихтиёрий суғурта бўйича суғурта товони мажбурий суғурта бўйича суғурта товонини тўлаш шартларидан қатъи назар тўланади.

Агар суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида жабрланувчи ҳалок бўлган ёки унинг соғлиғига зарар етказилган бўлса, суғурта товони ушбу Қонуннинг 22-моддаси талаблари инобатга олинмаган ҳолда, шундай ҳодиса учун тўловни назарда тутувчи барча турдаги суғурта шартномаларига мувофиқ тўланади.

Агар битта суғурта ҳодисаси натижасида икки ёки ундан ортиқ суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсларнинг) фуқаролик жавобгарлиги юзага келган бўлса, суғурталовчилар жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) ҳар бир суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартно-

20

ҳайдовчиларнинг ҳайдовчилик стажи, ёшини ҳамда шахсига оид бошқа маълумотларни ва (ёки) транспорт воситасидан фойдаланиладиган муайян даврни ҳисобга олувчи суғурта тарифларининг коэффициентлари қўлланилган ҳолда белгиланади.

Транспорт воситасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда мажбурий суғурта амалга оширилаётганда суғурта полисида транспорт воситасини бошқаришга, шу жумладан тегишли ишончнома асосида бошқаришга рухсат этилган ҳайдовчилар ва (ёки) мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган транспорт воситасидан фойдаланиладиган аниқ давр кўрсатилади.

Транспорт воситасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳисобга олинадиган мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши даврида суғурта қилдирувчи транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилганлар сифатида суғурта полисида кўрсатилмаган ҳайдовчиларга транспорт воситасини бошқариш топширилганлиги ва (ёки) ундан фойдаланиш даври мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган аниқ даврдан кўпайтирилганлиги ҳақида суғурталовчига дарҳол ёзма шаклда хабар қилиши шарт. Бундай хабар олинганда суғурталовчи суғурта полисига тегишли ўзгартишлар киритади. Бунда суғурталовчи суғурта полисига хавфнинг ошишига мутаносиб равишда тегишли ўзгартишлар киритилган кунда амалда бўлган суғурта тарифлари бўйича қўшимча суғурта мукофоти тўланишини талаб қилишга ҳақли.

**17-модда. Мажбурий суғурта бўйича суғурта захирасини шакллантириш**

Агар мажбурий суғуртани амалга оширишда мазкур суғурта тури бўйича суғурталовчининг даромадлари ва харажатлари орасидаги фарқ бир йилда кўрсатилган даромадларнинг 5 фоизидан ортиқ бўлса, ортиқ сумма суғурталовчи томонидан кейинги йилларда суғурта тўловларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун суғурта захирасини шакллантиришга йўналтирилади.

**18-модда. Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчининг алмаштирилиши**

Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчининг алмаштирилиши мазкур суғурталовчи бошқа суғурталовчи билан тузган шартнома асосида, ушбу модданинг талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

13

фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси асосида транспорт воситасини бошқарувчи шахс транспорт воситасининг эгаси бўлмайди;

**транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси** (бундан буён матнда мажбурий суғурта шартномаси деб юритилади) – суғурта шартномаси бўлиб, унга кўра суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчиларга уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ушбу суғурта ҳодисаси оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олади;

**транспорт воситасидан фойдаланиш** – транспорт воситасидан унинг йўлларда (йўл ҳаракатида), шунингдек уларга туташ, транспорт воситалари ҳаракати учун мўлжалланган ҳудудларда ҳаракатланишидан иборат бўлган фойдаланиш. Транспорт воситасига ўрнатилган ва транспорт воситасининг ҳаракатланишда иштирок этиши билан узвий боғлиқ бўлмаган ускуналардан фойдаланиш транспорт воситасидан фойдаланиш ҳисобланмайди;

**ҳайдовчи** – транспорт воситасини бошқарувчи шахс. Транспорт воситасини бошқариш ўргатилаётганда ўргатувчи шахс ҳайдовчи ҳисобланади.

**4-модда. Мажбурий суғуртанинг асосий принциплари**

Мажбурий суғуртанинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

умумийлик;

мажбурийлик;

жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарар ўрни қопланишининг кафолатланиши.

**2-боб. Мажбурий суғуртани амалга ошириш шартлари ва тартиби**

**5-модда. Мажбурий суғурта объекти**

Транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари мажбурий суғурта объектидир.

Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ва (ёки) мажбурий суғурта шартномасида кўрса-

4

тўланадиган бадалларни тўлаш календарь муддатларда тўланган бадаллар суммаси мажбурий суғурта шартномалари бўйича жами суғурта пулидан келиб чиқиб, махсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан белгиланган миқдорга етганда тўхтатилади. Мажбурий суғурта шартномалари бўйича жами суғурта пулининг миқдори ўзгарганда, суғурталовчи томонидан Тўловларни кафолатлаш жамғармасига календарь муддатларда тўланган бадаллар суммаси қайтадан ҳисоб-китоб қилиниши керак.

Календарь муддатларда тўланадиган бадал ставкаси ўзгарган тақдирда, Тўловларни кафолатлаш жамғармаси бу ҳақда суғурталовчиларга кейинги тўлов муддатидан камида ўттиз кун олдин хабар қилиши шарт.

Суғурталовчиларнинг Тўловларни кафолатлаш жамғармасига тўлайдиган мажбурий бадаллари уларнинг кўрсатилаётган хизматлар таннархига киритиладиган харажатларига тегишли бўлади.

**33-модда. Кузатув кенгаши**

Кузатув кенгаши Тўловларни кафолатлаш жамғармаси фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

Кузатув кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Кузатув кенгашига раис бошчилик қилади.

Кузатув кенгашининг мажлислари кенгаш раиси ёки кузатув кенгаши аъзоларининг камида учдан бир қисми томонидан заруриятга кўра, бироқ йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади.

Кузатув кенгаши, агар мажлисда аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, қарорлар қабул қилишга ваколатлидир. Кузатув кенгашининг қарори, агар уни мажлисда ҳозир бўлганларнинг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Кузатув кенгаши:

суғурталовчиларнинг календарь муддатларда тўланадиган бадаллари ставкаларини, календарь муддатларда тўланадиган бадалларнинг энг юқори суммаларини, бадалларни ҳисоб-китоб қилиш тартибини ва тўлаш муддатларини тасдиқлайди;

махсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда агент банкни танлайди;

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг маблағларини давлат қимматли қоғозлари ва бошқа активларга жойлаштириш юзасидан қарор қабул қилади;

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг маблағлари-

29

ларнинг ўрнини мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин уч йил ичида ундириш тўғрисида даъво аризаси берган бўлса, қоплайди.

**24-модда. Суғурталовчининг регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқи**

Суғурталовчи зарар етказган шахсга (суғурта қилдирувчига, фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсга) ўзи тўлаган суғурта тўлови миқдорида қуйидаги ҳолларда регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга, агар:

мазкур шахснинг қасди оқибатида жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган бўлса;

зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда етказилган бўлса;

мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса;

мазкур шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;

мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахс сифатида мажбурий суғурта шартномасига киритилмаган бўлса (транспорт воситасидан фақат мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган ҳайдовчилар фойдаланиши шарти билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда);

суғурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилмаган аниқ даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса (транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган даврда фойдаланиш шарти билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда). Бунда суғурталовчи мазкур шахсдан суғурта ҳодисасини кўриб чиқишда қилинган харажатларни қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

**4-боб. Компенсация тўловлари**

**25-модда. Компенсация тўловларини олиш ҳуқуқи**

Жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига компенсация тўлови мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта

22

кундан эътиборан ўн беш календарь кун ичида қопланади.

Суғурта мукофоти бўйича сийлов ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган суғурта қилдирувчининг ўзига тегишли битта транспорт воситаси бўйича мажбурий суғурта қилинганда берилади. Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ берилган суғурта мукофоти бўйича сийлов тўғрисида суғурта полисига тегишли белги қўйилади.

**14-модда. Мажбурий суғуртани амалга оширувчи суғурталовчиларга қўйиладиган талаблар**

Мажбурий суғуртани амалга ошириш учун суғурталовчи ўзига махсус ваколатли давлат органи томонидан берилган мажбурий суғурта бўйича суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши керак.

Мажбурий суғуртани амалга оширувчи суғурталовчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мажбурий суғурта шартномаси тузишга, жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) суғурта тўловлари ҳақидаги талабларини кўриб чиқишга ҳамда суғурта тўловларини амалга оширишга ваколатли ўз вакилларига эга бўлиши керак.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эгаллаб турган биноларда ва ҳудудларда мажбурий суғурта шартномалари тузишга ҳамда мажбурий суғурта бўйича муайян суғурталовчининг хизматлари рекламасини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

**15-модда. Суғурта полиси**

Мажбурий суғурта транспорт воситасининг эгаси ва суғурталовчи ўртасида мажбурий суғурта шартномасини тузиш орқали амалга оширилади.

Мажбурий суғурта шартномаси тузилганда суғурталовчи суғурта қилдирувчи ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофотини тўлаганидан кейин унга мажбурий суғурта амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлган суғурта полисини, шунингдек махсус давлат белгисини тақдим этади.

Суғурта полиси тегишли бланкада расмийлаштирилади. Суғурта полиси бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат бўлиб, ҳисобга олиш серияси, рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлиши керак.

Суғурта полиси йўқолган тақдирда суғурталовчи суғурта қилдирувчининг аризасига биноан унинг дубликатини

11

ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситалари эгалари ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурталаши шарт.

**7-модда. Мажбурий суғурта шартномаси**

Мажбурий суғурта шартномаси оммавий шартнома бўлиб, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда тузилади.

Мажбурий суғурта шартномасини тузиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларида кўрсатилган мажбурий суғурта шартномасининг намунавий шартларига мос бўлиши керак.

**8-модда. Суғурта ҳодисаси ҳисобланмайдиган фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши**

Ушбу Қонунга мувофиқ қуйидагилар оқибатида фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

мажбурий суғурта бўйича суғурта полисида (бундан буён матнда суғурта полиси деб юритилади) кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланилганда зарар етказилганлиги;

маънавий зарар етказилганлиги ва (ёки) бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш мажбуриятининг юзага келганлиги;

транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўқув машқлари мобайнида фойдаланилганда зарар етказилганлиги;

атроф муҳитнинг ифлосланганлиги;

ташилаётган юк таъсирида зарар етказилганлиги, агар бундай жавобгарлик мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиниши лозим бўлса;

ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги, агар бу зарарнинг ўрни мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозим бўлса;

ходимга зарар етказилганлиги туфайли келиб чиққан зарарнинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш мажбурияти;

ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки)

6

тоифаларини қўллаб-қувватлаш тизимини мазкур сийловларни компенсация қилиш орқали молиявий жиҳатдан таъминлаш;

мажбурий суғурта тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан мажбурий суғурта шартномалари, суғурта ҳодисалари, суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар шахсига оид маълумотларни ўз ичига олган ахборот маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек мазкур маълумотлар суғурталовчилар ва Тўловларни кафолатлаш жамғармаси ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган суғурта сири тўғрисидаги талаблар таъминланган ҳолда айирбошланишини ташкил этиш;

ушбу моддага мувофиқ Тўловларни кафолатлаш жамғармаси зиммасига юклатилган асосий вазифаларни амалга ошириш бўйича унинг фаолиятини тартибга солувчи қоидаларни махсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

**31-модда. Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг мол-мулки ва молиявий фаолияти**

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг мол-мулки қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

суғурталовчиларнинг бир йўла ва календарь муддатларда тўланадиган бадаллари;

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси амалга оширган компенсация тўловлари ва жабрланувчиларнинг (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларининг) тегишли талабларини кўриб чиқиш бўйича харажатлар доирасида жабрланувчиларга етказилган зарар учун жавобгар шахсларга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан реализация қилишдан тушган маблағлар;

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг пул маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси молиявий ёрдам кўрсатиши ва хайрия фаолияти билан шуғулланиши, шунингдек юридик шахсларнинг муассиси бўлиши ҳамда суғурта ташкилотларининг устав фондида иштирок этиши мумкин эмас.

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси ўз мажбуриятлари юзасидан ўзининг барча мол-мулки билан жавоб беради.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг компенсация тўловларини молиялаштириш ва суғурта мукофотлари бўйича сийловларни компенсация қилиш учун мўлжалланган маблағлари Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг бошқа

27

қилган ҳолда Тўловларни кафолатлаш жамғармасига компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат этади:

суғурта полиси (агар бўлса);

етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги суд қарори, агар иш суд томонидан кўрилган бўлса;

зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаларидан олинган маълумотнома ёхуд ҳаётга ёки соғлиққа зарар етказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ўлим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома);

мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар);

жабрланувчининг шахсини ёки унинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар суғурта товони жабрланувчиларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига тўланиши лозим бўлса).

Суғурталовчи компенсация тўловини амалга ошириш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда, Тўловларни кафолатлаш жамғармаси тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилигини ҳамда зарар ва суғурта товонининг миқдори тўғри аниқланганлигини ўрганиб чиқишга, шу жумладан суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини шартнома асосида жалб этиш орқали ўрганиб чиқишга ҳақлидир.

Жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) компенсация тўловини амалга ошириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда, Тўловларни кафолатлаш жамғармаси зарар ва суғурта товони миқдорини аниқлаш учун суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини шартнома асосида жалб этиши мумкин.

Компенсация тўловларини амалга ошириш ёки мазкур тўловларни тўлашни асослантирилган тарзда рад этиш тўғрисидаги қарор Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан суғурталовчи ёки жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) илтимоснома билан мурожаат этган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида қабул қилинади.

Компенсация тўловлари уларни тўлаш тўғрисида қарор

24

ўтган даврларда суғурта қилдирувчи (мажбурий суғурта шартномаси бўйича фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган бошқа шахс) томонидан суғурта ҳодисаси содир бўлишига, шунингдек етказилган зарарнинг миқдори ошишига қасддан кўмаклашиш ёки суғурта ҳодисасининг содир бўлиши ҳолатларини суғурта тўловини ошириш мақсадида била туриб бузиб кўрсатиш фактларига йўл қўйилганлигидан;

ўтган даврларда регресс талаб қўйилишига асос бўлган ҳолатларда суғурта қилдирувчи (мажбурий суғурта шартномаси бўйича фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган бошқа шахс) томонидан зарар етказилиши фактлари мавжудлигидан;

ушбу Қонун 16-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган суғурта тарифларининг коэффициентлари қўлланилганидан.

Ушбу модда учинчи қисмининг олтинчи — саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатларни ҳисобга олувчи суғурта тарифларининг коэффициентлари мазкур ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик тўғрисида суғурталовчига маълум бўлган даврдан кейинги давр учун мажбурий суғурта шартномасини тузишда суғурталовчи томонидан қўлланилади.

Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотининг энг кўп миқдори транспорт воситасидан энг кўп фойдаланиладиган ҳудуд инобатга олинган ҳолда тузатиш киритилган тегишли суғурта тарифи базавий ставкасининг уч бараваридан, ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ белгиланган суғурта тарифларининг барча коэффициентлари қўлланилганда эса, беш бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Суғурта тарифларида чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда суғурталовчи томонидан қўлланиладиган базавий ставкалар ва коэффициентлар қўшимча равишда назарда тутилиши мумкин.

Суғурталовчилар ушбу Қонунга мувофиқ белгиланганидан фарқ қилувчи суғурта тарифларининг базавий ставкалари ва коэффициентларини қўллашга ҳақли эмас.

**12-модда. Суғурта мукофоти**

Суғурта қилдирувчи суғурталовчига суғурта мукофотини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаши шарт. Суғурта мукофоти суғурта тарифлари базавий ставкалари ва коэффициентларининг кўпайтмаси сифатида ҳисоблаб чиқилади.

9

томонидан тартибга солиш ушбу Қонунга мувофиқ иқтисодий асосланган суғурта тарифларини ёки уларнинг энг юқори даражаларини белгилаш, шунингдек суғурта тарифларининг тузилишини ва суғурталовчилар томонидан суғурта мукофоти миқдорини аниқлашда уларнинг қўлланилиш тартибини белгилаш орқали амалга оширилади.

Мажбурий суғурта бўйича суғурта тарифлари, уларнинг энг юқори даражалари, суғурта тарифларининг тузилиши ва суғурталовчилар томонидан суғурта мукофоти суммасини аниқлашда уларнинг қўлланилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Қонунга мувофиқ белгиланади.

Белгиланган суғурта тарифларининг амал қилиш муддати бир йилдан кам бўлиши мумкин эмас. Суғурта тарифларининг ўзгариши суғурта қилдирувчи тўлаш пайтида амалда бўлган суғурта тарифларига кўра тўлаган суғурта мукофотининг миқдори мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши муддати мобайнида ўзгаришига олиб келмайди.

**11-модда. Суғурта тарифларининг базавий ставкалари ва коэффициентлари**

Суғурта тарифлари базавий ставкалардан ва коэффициентлардан иборат бўлади.

Суғурта тарифларининг базавий ставкалари транспорт воситаларининг улардан фойдаланишда зарар етказилиши эҳтимолига ва етказилган зарарнинг потенциал миқдорига жиддий таъсир этадиган техник тавсифлари, конструктив хусусиятлари ҳамда белгиланган мақсадидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Суғурта тарифларининг коэффициентлари қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда белгиланади:

транспорт воситасидан энг кўп фойдаланиладиган ҳудуддан;

ўтган даврларда мажбурий суғуртани амалга оширишда суғурталовчилар томонидан суғурта тўловлари тўланганлиги ёки тўланмаганлигидан;

ҳайдовчининг ҳайдовчилик стажидан;

транспорт воситасидан фойдаланишнинг мавсумийлигидан;

ўтган даврларда суғурталовчи сўраган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар суғурта қилдирувчи томонидан била туриб бузиб кўрсатилганлиги, тўғри маълумотлар хабар қилинган тақдирда тўланиши лозим бўлган суммага нисбатан камроқ суммада суғурта мукофоти тўланишига олиб келганлиги фактларининг мавжудлигидан;

8

қабул қилинган кундан эътиборан бир ҳафталик муддат ичида бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан тўланади.

Агар компенсация тўловлари ушбу моддада белгиланган муддатда тўланмаган бўлса, Тўловларни кафолатлаш жамғармаси жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) уларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кунда амалда бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня тўлайди.

Ушбу Қонун 21-моддаси қоидаларининг жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарар миқдорини аниқлаш тартибига доир қисми Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг ёки шартнома асосида ушбу мақсадда жалб қилинган суғурта бозори профессионал иштирокчисининг ҳаракатларига нисбатан татбиқ этилади.

Агар шикастланган мол-мулкни ушбу Қонун талабларига мувофиқ кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилишни (баҳолашни) ташкил қилишга қадар шикастланган мол-мулк таъмирланганлиги ёки унинг қолдиқлари утилизация қилинганлиги суғурта ҳодисаси мавжудлигини ва ўрни қопланиши лозим бўлган зарарларнинг миқдорини аниқ белгилаш имконини бермаса, Тўловларни кафолатлаш жамғармаси жабрланувчига компенсация тўловини ёки унинг бир қисмини тўлашни рад этишга ҳақли.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг компенсация тўловларини амалга оширишни рад этиши устидан суғурталовчи ёки жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) даъво аризаси бериши орқали суд тартибида низолашилиши мумкин.

**27-модда. Компенсация тўловларининг миқдори**

Компенсация тўловларининг миқдори ушбу Қонун 22-моддасининг талабларига риоя этилган ҳолда аниқланади.

Компенсация тўловлари суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.

Компенсация тўловлари зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) ташаббуси билан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилганлиги муносабати билан вужудга келган, унинг барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини ҳатто бу чоралар муваффақиятли бўлмаган ҳолларда ҳам қоплайди.

Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) ташаббусига кўра кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилганлиги муносабати билан вужудга келган унинг

25

# Ўзбекистон-Миср: ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ АМАЛДА

***Миср Араб Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги МДҲ мамлакатлари билан техник ҳамкорлик жамғармаси бош котиби, элчи София Иброҳим Амин юртимизда меҳмон бўлди.***

София Иброҳим Амин хоним — Мисрнинг тажрибали дипломатларидан ҳисобланади. У Қоҳира университетининг сиёсий фанлар ва иқтисодиёт факультетини тамомлаган. МАР Ташқи ишлар вазирлиги тизимида 1976 йилдан буён фаолият юритиб келади. Мисрнинг Сурия, Руминия, Тунис, Болгария, Италиядаги элчихоналарида турли лавозимларда хизмат қилган. 2003-2007 йилларда София Иброҳим Амин хоним Мисрнинг Панамадаги, шунингдек, бир пайтнинг ўзида Никарагуа, Гаити, Коста-Рикадаги элчиси бўлган.

Шу ўринда Миср дипломатия тизимида хотин-қизларнинг нуфузи баланд эканини қайд этиб ўтиш лозим. Хусусан, Миср Араб Республикасининг Тошкентдаги элчихонасига Нодия Иброҳим Кафофий хоним раҳбарлик қилади. Унинг ўринбосари — элчихона консули Жейлон Аббос хонимдир. Расмий маълумотларга кўра, МАР Ташқи ишлар вазирлиги марказий аппарати ва хориждаги дипломатия ваколатхоналарида хотин-қизлар салкам 200 кишини ташкил этади. Уларнинг 40 нафари элчи дипломатик рангларига эга.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбат чоғида Амин хоним юртимизга ташрифидан кўзланган асосий мақсад Миср жамғармаси билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, икки томонлама дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш истиқболларини муҳокама қилишдан иборат бўлганини маълум қилди.

Мисрлик меҳмон Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, шунингдек, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент Ислом университетидаги учрашувлари самарали ўтиб, ижобий натижаларга бой бўлганини алоҳида таъкидлади.

**Ҳамкорлик**

Дипломатнинг сўзларига кўра, бугунги кунда Ўзбекистон- Миср муносабатлари тобора юксалиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 17-19 апрель кунлари Мисрга амалга оширган расмий ташрифи икки мамлакат ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантириш учун янги туртки берди. Ташриф давомида эришилган келишувлар бугун муваффақиятли равишда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Тошкент билан Қоҳира ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновининг йўлга қўйилгани фикримизнинг яққол далилидир. Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, иқтисодиёт ва сайёҳлик соҳаларидаги алмашинувларни кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароит юзага келмоқда.

София Амин хонимнинг қайд этишича, 1992 йилда тузилган ушбу жамғарма Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. 1993 йилдан бошлаб жамғарма йўналиши орқали 900дан зиёд юртдошимиз Мисрда иқтисодиёт, дипломатия, менежмент, маркетинг, сайёҳлик, халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа соҳаларда малака ошириш курсларида ўқиб қайтди. Жамғарма раҳбарияти жорий йилда ҳам ўзбекистонлик мутахассислар учун бир нечта махсус курс ташкил этишни кўзда тутган.

Шунингдек, жамғарма томонидан мисрлик олим ва экспертлар мунтазам равишда Ўзбекистонга юборилмоқда. Жумладан, ислом меъморчилиги ёдгорликларини ўрганиш мақсадида бир қатор мисрлик мутахассислар юртимизда бўлиб қайтишди. Бундан ташқари, айни пайтда жамғарма йўналиши бўйича Ўзбекистонга келган 9 нафар араб тили ўқитувчиси мамлакатимизнинг турли ўқув юртларида фаолият кўрсатмоқда.

Миср билан Ўзбекистон ўртасидаги тарихий-маданий алоқалар хусусида тўхталиб, София Амин хоним бу муносабатлар узоқ асрларга бориб тақалишини алоҳида қайд этди. Унинг айтишича, мисрликлар онги-шуурида Ўзбекистон буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий, қомусий олим Аҳмад ал-Фарғоний туғилган замин, шунингдек, афсонавий шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро ва Тошкентга бешик бўлган муқаддас диёр сифатида мужассам бўлади. Зеро, Аҳмад ал-Фарғоний кашф этган "Ниломер" ускунаси асрлар давомида мисрликларга Нил дарёси сатҳини аниқ ўлчашга ҳамда ирригация ва қишлоқ хўжалигини тўғри режалаштиришга имкон берган.

Мисрликлар мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ташрифи доирасида Қоҳира шаҳрида Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилганидан фахрланишади.

— Шуни таъкидлашни истар эдимки, Қоҳирада ҳамон "Ҳадиқатул Узбекия" ("Ўзбеклар боғи"), "Сур ал-Узбекия" ("Ўзбеклар девори"), "Ҳай ал-Узбекия" ("Ўзбеклар маҳалласи") деб номланган аҳоли масканлари сақланиб қолган, — деди дипломат. — Мисрликлар уларни ўрта асрларда Буюк Ипак йўли орқали Мовароуннаҳрдан бу ерга келган карвонлар билан боғлайдилар.

Бутун араб дунёсида бўлгани каби, Мисрда ҳам Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси ва ислом маданияти хазинасига қўшган ҳиссасини юксак баҳолайдилар, — дея сўзида давом этди София Амин хоним. — Ташриф асносида Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуаси ва Темурийлар тарихи давлат музейини зиёрат қилиб, Ўзбекистон раҳбарияти ислом меросини асраб-авайлашга катта эътибор қаратаётганига шахсан гувоҳ бўлдим.

Суҳбат якунида София Амин хоним ўзи раҳбарлик қилаётган жамғарма бундан буён ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги илмий ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш ҳамда дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга муносиб ҳиссасини қўшиш ниятида эканини таъкидлади.

**Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА.**

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистон Ислом Республикаси энергетика ва сув ресурслари вазири Муҳаммад Исмоилхон раҳбарлигидаги делегация 21 апрель куни "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси раиси Ботир Тешабоев билан учрашди.**

# АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани, сўнгги йилларда йўлсозлик, кўприксозлик каби йўналишлар қаторида энергетика соҳасидаги алоқалар ҳам фаоллашаётгани, бунда давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Муҳаммад Исмоилхон Ўзбекистоннинг Афғонистондаги тикланиш ишларидаги фаол иштирокига юқори баҳо берар экан, Афғонистон халқи ўзаро ҳамкорликни юксак қадрлашини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида энергетика соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**

# ТАРМОҚЛАРАРО КООПЕРАЦИЯ ДОИРАСИДА

***Мамлакатимиз пойтахтида ўз ишини бошлаган саноат ярмаркасида «Ўзкимёсаноат» ДАК таркибига кирувчи корхоналар ўзаро фойдали ҳамкорлик, тармоқ ичида ва тармоқлараро саноат кооперацияси бўйича ўз имконият ва салоҳиятларини намойиш этмоқда.***

Тадбирнинг очилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда кимё саноатининг янада ривожланиши, ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, энергияни тежовчи ва экологик хавфсиз технологияларни жорий этиш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини қопловчи рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 27 июлда қабул қилинган «2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Тармоқ ривожида янги даврни бошлаб берган ушбу ҳужжатда юқори технологияларни ва замонавий бошқарув тизимларини қўллаш асосида ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва самарадорлигини оширишга оид устувор вазифалар белгиланган.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, республика саноат комплексининг бошқа тармоқлари билан кооператив алоқаларни ривожлантириш асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги пайтда «Ўзкимёсаноат» ДАК корхоналарида турли минерал ўғитлар, сунъий тола, полимер материаллар, ноорганик моддалар, резина-техника маҳсулотлари, энергетика, олтин қазиб олиш тармоғи ва енгил саноат учун кимёвий реагентлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш бўйича воситалар, дефолиантлар, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган пленка — жами 250 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг ўнлаб тури қатор мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Кимё саноати корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури ўттизга яқин инвестициявий лойиҳани қамраб олган. Ушбу лойиҳаларни амалга оширишга 380 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, бунинг натижасида соҳа корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошади. Бунда корхоналарнинг энергия сиғими қисқаради, маҳсулот экспорти ортиб боради.

— 2007 йили бўлиб ўтган биринчи республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида импорт ўрнини босувчи ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни харид қилиш бўйича 44,3 миллиард сўмлик, маҳсулот етказиб бериш бўйича эса 40,3 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди, — дейди «Ўзкимёсаноат» ДАК бошқаруви раисининг ўринбосари Ҳамидулла Шерматов. — Тармоқлараро кооперация доирасида машинасозлик, кабель маҳсулотлари, кимёвий хом ашё ва жиҳозлар харид қилиш бўйича шартномалар имзоланди. Ўз навбатида, бизнинг корхоналаримиз олтин қазиб олувчи, нефть-газ, мебель, лак-бўёқ саноати корхоналари учун кимёвий реагентлар етказиб бермоқда.

Бу галги ярмарка ташкилотчилари шерикларимизга республика кимё корхоналари ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумот беришга ҳаракат қилишган. Жумладан, республикамизнинг энг йирик кимёвий корхоналаридан бири — «Максам-Чирчиқ» ОАЖ эндиликда 30 дан ортиқ турдаги маҳсулот, асосан, турли хил минерал ўғитлар, кимёвий материаллар, елимлар ишлаб чиқармоқда. Ҳозирги пайтда бу ерда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун зарур янги материалларни ўзлаштириш ишлари давом этмоқда.

Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида олиб бораётган ишларимизга мисол тариқасида Қашқадарё вилоятидаги калийли ўғитлар ишлаб чиқарувчи Деҳқонобод заводини келтиришимиз мумкин. Ҳозиргача бу турдаги ўғитлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмас эди. Янги завод «Туйбегатан» калийли туз кони асосида қурилади ва юртимиз эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, бу муҳим маҳсулотни экспорт қилиш билан ҳам шуғулланади.

Қўнғирот сода заводининг маҳсулотлари нафақат кимё саноатида, балки қора ва рангли металлургия, озиқ-овқат, енгил ва қоғоз саноатида, тиббиётда ҳам кенг қўлланилмоқда. «Жиззах пластмасса» ОАЖ маҳсулотлари ўз харидорларини топган. Бу корхонада турли хил пленкалар, полиэтилендан тайёрланган сув ва газ, канализация қувурлари, сув қуйиш шланглари, тоғоралар, челаклар, мева-сабзавотлар учун қутилар ва бошқа халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Ярмарканинг очилишига келган турли саноат тармоқлари вакиллари бу ерда тақдим этилган экспозиция ўзларида катта қизиқиш уйғотгани ва улар ўзаро фойдали ҳамкорликка тайёр эканликларини билдираётирлар.

**Виктор НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.**

***Касбим — шифокор. Ўқишни битиргач, меҳнат фаолиятимни оддий шифокорликдан бошлаганман. Мутахассислигим бўйича куйиш касаллиги жарроҳи эмасманми, азият чекканларни даволаш чоғида жуда қийналардик. Сабаби, бу жараёнда қўлланиладиган тузли эритмалар четдан келтирилар, яъни тақчил эди. Айтмоқчиманки, мазкур малҳамни ўзимизда ишлаб чиқариш азалий орзуимиз эди. Бугун ана шу ниятимиз рўёбга чиқди, бу Президентимизнинг биз, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши самарасидир.***

# ЭРТАНГИ ФАРОВОНЛИГИМИЗ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Кечагидек эсимда. 1993 йили давлатимиз раҳбари Москвага ташрифи чоғида ўзбекистонлик докторант ва аспирантлар билан учрашиб, бизга яратилган шарт-шароитлар билан қизиқдилар. Ёш давлатимизни иқтисодий ривожлантириш стратегияси, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал шакллантириш масаласига алоҳида тўхталиб, ишлаб чиқарувчилар доимий қўллаб-қувватланишини таъкидладилар. Ўшанда "Юртимга қайтиб бориб, албатта, экспортбоп дори-дармонлар ишлаб чиқараман" дея дилимга тугиб қўйгандим. Ниҳоят, 1997 йили "Фармасам Ко ЛТД" ишлаб чиқариш корхонасига асос солдик. Дастлаб импорт ўрнини босувчи уч хил дори-дармон воситаси ишлаб чиқарган бўлсак, бугунги кунда уларнинг тури 13 тага етди. Аниқроғи, 50 кишилик жамоамиз замонавий технологиялар асосида йилига қарийб 500 миллион сўмлик маҳсулот тайёрламоқда.

**Дил сўзи**

Вилоятимизда биз каби маҳаллийлаштириш дастури асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар оз эмас. Аммо, холисона айтадиган бўлсак, буни мавжуд салоҳият ва имконият даражасида деб бўлмайди. Президентимиз Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, "агар ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 24 фоиз бўлган бўлса, Самарқандда бу кўрсаткич анча паст, яъни 10,5 фоизни ташкил этди. Айтиш жоизки, бундай ҳолат бир вақтлар Тошкент шаҳридан кейин индустрия ривожига энг катта ҳисса қўшиб келган Самарқанд шаҳри ва умуман, вилоятнинг улкан имкониятлари даражасида эмас".

Дарҳақиқат, ҳозирги шиддаткор даврда замонавий саноат корхоналарини барпо этмасдан, уларни хориж инвестицияси ҳисобига юқори унумли технологиялар билан таъминламасдан туриб, макроиқтисодиётни юксалтириш қийин. Буни ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам яққол кўрсатиб турибди. Гап шундаки, Президент соврини учун ўтказилган "Ташаббус – 2002" республика кўрик-танловида совриндор бўлганимдан сўнг АҚШ, Греция, Голландия, Германия, Бельгия, Хитой, Ҳиндистон каби давлатларда бўлганимда, билдимки, бизда тадбиркор ва ишбилармонлар учун яратиб берилган шарт-шароитларни бошқа жойлардаги ҳолат билан тенглаштириб бўлмайди. Чунки юртимизда мулкдорларга солиқ, божхона тўловлари бўйича кўплаб имтиёзлар берилган.

Давлатимиз раҳбарининг сессиядаги нутқини диққат билан тингларканман, менда кўплаб янги ғоялар туғилди. Жумладан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига қўшимча иш ўринлари очиб, маҳсулот тури ва сифатини янада оширишни дилимга тугдим. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида иқтисодиёт йўналишида олиб бораётган тадқиқотимни поёнига етказиб, амалиётда кенг қўллашни кўзлаяпман. Соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув менежментини такомиллаштиришга бағишланган докторлик диссертациямнинг мавзуи шуни тақозо этади.

Бугун нафақат мен, балки вилоятдаги бошқа тадбиркор ва ишбилармонлар ҳам эртанги турмушимизни янада файзли ва тўкин қилиш ниятида. Зеро, мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимиз турмушининг тобора фаровон бўлиши ҳар биримизнинг яратувчанлик, ишбилармонлик салоҳиятимизни ишга солиб, берилган имкониятдан самарали фойдалана олишимизга боғлиқдир.

**Камолиддин МАҲМУДОВ, Жомбой туманидаги «Фармасам Ко ЛТД» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари.**

# РИЗҚ-РЎЗИМИЗ МАНБАИ

***Бугун жаҳон жамоатчилиги ризқ-рўзимиз, фаровонлигимиз манбаи — Ер кунини нишонлайди. Шу муносабат билан мамлакатимизда ҳам ушбу санага бағишланган турли тадбирлар бўлиб ўтаяпти.***




Сир эмас, республикамизда пахта яккаҳокимлиги ҳукм сурган даврда ерга агротехника талаблари даражасида ёндашмаслик оқибатида тупроқнинг хосса ва хусусиятлари, шунингдек, фойдаланилаётган асосий ерларнинг унумдорлик даражаси, унинг мелиоратив-экологик ҳолати ёмонлашди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, юртимизда саҳроланиш жараёни юзага келишига туз-дренаж оқимининг ошиши, эрозиянинг кучайиши, тупроқнинг шўрланиши ва ифлосланиши ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратмоқда. Айниқса, Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилиб, белгиланган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида 2008-2012 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг ишлаб чиқилгани айни муддао бўлди. Шу билан бирга, мазкур ҳужжат талаблари асосида тегишли вазирлик ва қўмиталар томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг минтақавий тизимлари яратилиб, уларни мавжуд тупроқ ҳамда иқлим шароитларига мос ҳолда қўллаш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Хусусан, тупроқ хариталарини тузиш, бонитетларини белгилаш, эрозияга учраган тупроқлар унумдорлигини ошириш, шамол ва сув эрозиясини бартараф этишга қаратилган ҳамда шўрсизлантириш, шўрланган майдонларни мелиорациялашнинг самарали технологиялари, ерга ишлов бериш, алмашлаб экиш, тупроқ таркибини маданийлаштириш каби вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ахборот хизмати маълумотларига кўра, биргина 2007 йилда икки минг гектардан зиёд ер рекультивация қилинди ва уч ярим минг гектардан кўпроқ майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Борлиқни кўкаламзорлаштириш ва шу орқали атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш мақсадида тўрт миллион тупдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Соҳа олимларининг фикрича, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги салмоғини оширишда турли чиқиндиларни тўплаб, уларни компостларга айлантириш ҳам ҳар бир хўжалик учун доимий тадбирга айланиши керак. Бу усул орқали тупроқдаги озуқа элементларининг кўпайтирилиши ҳамда экологик шароитнинг яхшиланишига имкон яратади.

Ер ҳам тирик жон. Шундай экан, у меҳрга, эътиборга, қаровга муҳтож. Бу эҳтиёжни қондириш эса инсон зиммасидадир.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# КЕЛАЖАККА МУНОСИБ АВЛОД



## 2008 йил — Ёшлар йили

*Бош Қомусимизда ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Ана шундай эзгу мақсадни амалга оширишда, айниқса, давлатимизнинг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.*

*Ҳозир Қўнғирот тиббиёт коллежида 600 нафар ёш "Даволаш иши", "Ҳамширалик иши" ва "Лаборатория диагностикаси" йўналиши бўйича таҳсил олмоқда. Уларга 60 дан зиёд юқори малакали ва тажрибали устозлар умумтаълим ва махсус фанлардан сабоқ беришаяпти.*

*Айни вақтда коллежда замонавий синф хоналари, спорт ва мажлислар зали, шунингдек, салкам 2000 та китоб фондига эга бўлган кутубхона ўқувчилар ихтиёрида. Бундан ташқари, мавжуд ахборот-ресурс маркази ҳам ҳамиша ёшлар билан гавжум. Муҳими эса, коллежнинг ҳар бир ўқувчиси яратилган бундай қулай шарт-шароитдан унумли фойдаланиб, жамоат ишларида фаол ва келгусида етук кадр бўлишга интилмоқда.*

**СУРАТДА:** ўқувчилар коллежнинг информатика хонасида машғулот ўтказишмоқда.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**


РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2007 йил 8 октябрдаги 23-0706/10578-сонли ижро варақасига асосан Хўжайли тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Хўжайли тумани Н.Кўра кўчасида (рақамсиз уй) жойлашган «Эльдор Сардор» фирмасига қарашли, умумий майдони 708 кв.м бўлган дўкон биноси қўйилмоқда.

*Бошланғич нархи — 50 000 000 сўм.*

Аукцион савдоси 2008 йил 8 май куни соат 11.00 да Нукус шаҳри, А. Шомуротова кўчаси, 117-«Б» уйда жойлашган Республика Кўчмас мулк биржаси Қорақалпоғистон филиалида ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Қорақалпоғистон филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: «Миллий банк» Қорақалпоғистон филиали, ҳ/р 20210000100571452055, МФО 00582, ИНН 200933850.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Нукус шаҳри, А. Шомуротова кўчаси, 117-«Б» уй.
Телефонлар: 8-361-222-84-44, 770-65-90.


# ИШЛАШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ, МАРҲАМАТ

***Вобкент туманидаги Харгўш қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган меҳнат ярмаркасидан сўнг Орзугул Рамазонова Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Заркон» масъулияти чекланган жамиятида касаначи зардўз сифатида иш бошлади.***

— Биз аҳоли зич жойлашган масканларда ўтказиладиган шундай ярмаркаларда Бухоро шаҳри, шунингдек, Бухоро, Шофиркон, Ғиждувон, Қоровулбозор туманларидаги бўш иш ўринларини ҳам фуқароларга таклиф этаяпмиз, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш маркази директори ўринбосари Матлуба Мусаева. — Бу ўз самарасини бермоқда.

Марказ ўтган йили 9 марта бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасини ўтказди. Уларга 378 нафар фуқаро жалб этилиб, 218 киши ишга жойлаштирилди. Муқим иш ўрнига эга бўлганларнинг 74 нафарини ёшлар, 115 нафарини эса аёллар ташкил этганини ҳам айтиш жоиз.

«Уста-шогирд» ўқув курслари ташкил этилгани ҳам дуруст натижа бераяпти. Масалан, «Нафосат» масъулияти чекланган жамиятида беш нафар, «Гўзал кўнгил» хусусий корхонасида шунча хотин-қиз тикувчилик ва зардўзликдан сабоқ олиб, касб ўргандилар. «Кулолсозлар» ҳунармандлар марказида ҳам беш нафар фуқаро касб-корли бўлди.

**Эзгулик**

— Ишсиз қолгандим, — дейди Сўфидеҳқон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Гулшод Тожиева. — Шу ердаги «Довуд Ҳотам» хусусий корхонаси замонавий тикувчилик цехи очганини эшитиб, «Борсаммикан» дея иккиландим. Боиси, тикувчиликни у қадар мукаммал билмас эдим-да. Бироқ мен каби хотин-қизларга туман Бандликка кўмаклашиш маркази ёрдам қўлини чўзди. Хусусий корхонада тикувчиликдан сабоқ олиб, касб сирларини ўргандим. Энди кўриб турганингиздек, чиройли, кўркам либослар тикиб, мижозлар ишончини қозонаяпмиз.

Туманда Бандлик дастурига мувофиқ, 2007 йилда 3676 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилганди. Амалда 4084 та иш ўрни очилди. Уларнинг 2717 таси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига тўғри келаяпти. Ёшлар йилида эса Вобкентда бу йўналишдаги ишлар қамрови янада кенгаяди. Касаначилик, оилавий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобидан 2470 та янги иш ўрни яратилиши фикримизга далил бўла олади.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Газета ва газетхон:

# ЮЗМА-ЮЗ





***— Мен беш йилдан бери Қарши туманидаги 59-умумтаълим мактаби директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлайман. Лекин 0,5 ставка асосида. Шу боис мени бир савол қизиқтиради: айтинг-чи, менга ҳам директор жамғармаси ҳисобидан мукофот бериш мумкинми?***

**Норбой ЭШОНҚУЛОВ.**
Қарши тумани.

## Мукофот олишга ҳақлисиз

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги 275-сонли қарорининг 4-иловаси — "Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисидаги Низом"нинг 20-бандига асосан, умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини бир марталик мукофотлаш уларнинг муассасани ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришилганлиги учун бир лавозим маошигача миқдорда мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилади. Агарда сиз шу талабларга жавоб берсангиз, мукофотланишга ҳақлисиз.

**Салтанат МАМАДАЛИЕВА,**
**Халқ таълими вазирлигининг Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бош иқтисодчиси.**

## Асаримни қайтариб беринг

— Мен ҳайкалтарошман. Мана, ўн беш йилдирки, шу иш билан шуғулланаман. Бундан икки йил муқаддам энг яхши асаримдан бири йўқолиб қолди. Яқинда шаҳримиздаги бозорлардан бирини айланиб юриб, тасодифан ўша асаримни сотишаётганини кўриб қолдим. Сотувчи йигитта у менга тегишли эканини, шу боис қайтариб бериши лозимлигини айтдим. Йигит, табиийки, бу гапимни тасдиқловчи бирор-бир ҳужжат кўрсатишимни сўради. Афсуски, менда бундай ҳужжат йўқ эди. Айтинг-чи, асаримга қандай қилиб эгалик қилишим мумкин?

**Кувондиқ БЕКБАУЛИЕВ.**
Нукус шаҳри.

— Ўзбекистон Республикаси "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, муаллифлик ҳуқуқи асарни яратиш факти бўйича юзага келади. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирор-бир бошқа расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди. Муаллифнинг ҳуқуқи бузилганда, муаллиф ҳуқуқбузардан тан олишини, ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклашини, ололмай қолган даромади миқдоридаги зарарларнинг ўрнини қоплашини, маънавий зиён қопланишини талаб қилишга ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар кўришга ҳақли. Шундан келиб чиқадики, сиз бемалол асарингизни қайтариб олишга даъво қила оласиз.

**Зебо ҚУТЛИЕВА,**
**Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги юрист-консультанти.**

— Мабодо ўзим яшаб турган ҳовлидан қимматбаҳо буюмлар топиб олсам, ушбу ашёлар менинг мол-мулким ҳисобланадими?

**Жаҳонгир ҒАФУРОВ.**
Андижон шаҳри.

## Хазинанинг эллик фоизи — сизники

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 196-моддасида, эгаси аниқланиши мумкин бўлмаган ёки қонунга биноан, ҳуқуқларини йўқотган хазина, яъни ерга кўмилган ёки бошқача усулда яширилган пул ёхуд қимматбаҳо буюмлар хазина яшириб қўйилган мол-мулк (ер участкаси, иморат ва шу кабилар) мулкдори бўлган шахс ва хазинани топган шахс мулкига, агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ, бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, тенг улушларда ўтиши белгиланган.

Хазина, у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгасининг розилигисиз қазишма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу хазина — у топилган ер участкасининг ёки бошқа мол-мулкнинг эгасига топширилиши керак.

Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига кирадиган ашёлардан иборат хазина топилган тақдирда, улар давлат мулкига топширилади. Бунда хазина яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулкнинг эгаси ва хазинани топган шахс биргаликда хазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот олиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Сафар ПАРДАЕВ,**
**Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси раиси ўринбосари.**

## Декларация топширишга улгурмадингизми?

***— Мен асосий иш жойимдан ташқари, шартнома асосида бошқа бир ташкилотда ҳам ишлайман. У ерда олган даромадим учун 1 апрелга қадар декларация тўлдиришим керак эди. Аммо белгиланган муддатда бунга улгурмадим. Кеч бўлса-да, декларация топширишим мумкинми? Бунда муддат ўтказиб юборилгани учун жарима талаб қилинмайдими?***

**Шерзод ТОИРОВ.**
Тошкент тумани.



— Икки ёки ундан кўп манбадан, жумладан, уларнинг камида биттаси асосий иш жойи бўлмаган манбадан даромад олган жисмоний шахслар жами йиллик даромадлари тўғрисида декларацияни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай топширишлари лозим.

Давлат солиқ органларида декларация топшириши лозим бўлган фуқаролар тўғрисида маълумотлар базаси мавжуд. Ўз вақтида декларация тақдим этмаган фуқаролар аниқланиб, давлат солиқ органларига чақиртирилади. Шу сабабли, сиз белгиланган муддатдан кечиккан бўлсангиз ҳам, зудлик билан ДСИга бориб декларация тақдим этишингиз лозим. Декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддаси, 3-қисми билан энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади. Агар солиқ тўловчи узрли сабабларга кўра (бетоб ва ҳ.қ), жами йиллик декларацияни ўз муддатида тақдим эта олмаган бўлса, бунинг сабабини тасдиқловчи ҳужжатларни ўзи яшаб турган ҳудуддаги давлат солиқ идорасига тақдим этиши лозим.

**Жўрабек ҒОЙИБОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи.**

***— Юртимиз алпинистларининг «Эверест» чўққисини забт этиб, шундай баланд нуқтага байроғимизни ўрнатишгани ҳақида эшитгандим. Биз фахрланишимиз мумкин бўлган бу жасоратли спортчи ким ва у бу тарихий воқеани қачон амалга оширган?***

**Икромжон АҲМЕДОВ.**
Норин тумани.

## «Эверест» чўққисида Ўзбекистон байроғи



— Дарҳақиқат, юртимизда спортни ривожлантиришга берилаётган эътибор туфайли мазкур соҳанинг ҳар бир йўналишида фахрланса арзигулик ютуқлар қўлга киритилмоқда. Хусусан, сиз айтаётган «Эверест» чўққисини моҳир алпинистларимиздан бири — Рустам Ражабов 1998 йил 22 май куни забт этганди. У ер шарининг энг баланд нуқтасига Ўзбекистон байроғини олиб чиқиб, спортимиз тарихидан муносиб жой эгаллашга муваффақ бўлган.

**Зоҳид БЕРДИЁРОВ,**
**Маданият ва спорт ишлари вазирлиги масъул ходими.**

***— Олий ўқув юртларига кириш учун топшириладиган тест синовларига бу йилдан бошлаб янги қўшимчалар киритилгани тўғрисида эшитдик. Агар шундай бўлса, бизга бу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз?***

**Умида ЮСУПОВА.**
Қўқон шаҳри.



## Тест синовида тўртинчи фан

— Дарҳақиқат, гуманитар йўналишларига математика; табиий-илмий, техника, иқтисодиёт, молия, қишлоқ хўжалиги йўналишларига Ўзбекистон тарихи; тиббиёт йўналишларига эса физика фанидан тест саволлари киритилади. Шуни таъкидлаш жоизки, олдин тест синовида тарих фани бўлган таълим йўналишларида "Жаҳон тарихи" қолаверади. Баҳолаш мезонлари ҳам 3,1 ва 2,1 бўлиб қолади. "Жаҳон тарихи"-нинг бир қисми бўлган "Ўзбекистон тарихи" эса олдин "Тарих" фанидан тест ўтказилмаган, яъни юқорида қайд этилган таълим йўналишларига тўртинчи фан бўлиб қўшилади.

Тест синовига киритилган фанлар мажмуасидаги ҳар бир фандан тест саволлари сони 27 тадан бўлиб, вариантдаги жами тест саволлари сони, олдинги йиллардагидек, 108 тани ташкил этади. Худди шунингдек, юқори балл тўплаш миқдори ҳам, аввалгидек, 226,8 га тенг бўлади. Олдинги йиллардаги биринчи ва иккинчи фаннинг баҳолаш баллари ўзгармаган ҳолда, яъни 3,1 ва 2,1, учинчиси ҳам 2,1 балл, янги қўшиладиган тўртинчи фан эса 1,1 балл билан баҳоланади.

**Мирзамаҳмуд ТЎХТАЕВ,**
**Давлат тест маркази директори ўринбосари.**

***— Олти нафар фарзандим бор. Шулардан тўртинчиси ўғлим 1989 йилда туғилган. Унга 1993 йилдан бери ногиронлик нафақаси оламиз. Нафақа эса турмуш ўртоғим номига келади. У 1959 йилда туғилган. Турмуш ўртоғим ҳудудимиздаги мактабда 3 йил фаррош бўлиб ишлаган. Айтинг-чи, унга қачон, қай ҳолатда пенсия тайинланади?***

**Очил ТУРСУНОВ,**
**Нурота тумани, Оққула қишлоғи.**

## Муддатидан олдин пенсияга чиқиш мумкинми?

— Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 12-модда, "з" бандига мувофиқ, беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ҳамда уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар, болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни шу ёшгача тарбиялаган бўлсалар, пенсияга тайинлаш тартиби қуйидагича бўлади: жумладан, болани парваришлаш учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда, иш стажи камида 20 йил бўлса ёки болани парваришлаш учун кетган вақт қўшилмаганда, иш стажи камида 15 йил бўлган тақдирда, умумий белгилангандан 5 йил аввал пенсия олиш ҳуқуқи берилади. Таъкидлаш жоизки, Қонуннинг 37-модда, "д" бандига асосан, 16 ёшгача бўлган ногирон болага қараб турилган вақт ҳам меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Мурожаатингизда турмуш ўртоғингиз 3 йил мактабда ишлаганлигини айтиб ўтгансиз. Агарда у киши бугунги кунда ишга жойлашсалар, жами (3 йил билан) меҳнат стажлари 5 йилни ташкил этган кундан бошлаб, болаларга 3 ёшгача қараб турган вақтни 6 йил доирасида инобатга олган ҳолда, кўп болали она сифатида пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилади. Аксинча, у кишига пенсия 55 ёшга тўлганларида, мавжуд стажларига мутаносиб равишда тайинланади.

**Р. МУРОДХЎЖАЕВ,**
**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги пенсия таъминотини ташкил этиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**



## Муҳожир ўқишга қанча тўлайди?



— Яқинда хорижий давлатлардан бирида бўлдим. Ёш бир йигит Ўзбекистонда ўқиш нияти борлигини билдирди. Айтинг-чи, хориж фуқароси Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олиши учун қанча миқдорда тўлов-контракт белгиланган?

**Б. ЭРГАШЕВА.**
Шеробод тумани.

***— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 6 августда 795-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби ҳақидаги Низом"нинг 6-иловасига мувофиқ, мамлакатимизнинг ўрта махсус таълим муассасаларида битта хорижлик талаба (ўқувчи)нинг бир йиллик ўқитилиши 1000 АҚШ доллари қийматида белгиланган.***

***Шерзод РАБИЕВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги катта маслаҳатчиси.***



## Жиноят жазосиз қолмайди



**— Маълумки, она табиатимизни асраб-авайлаш, уни келажак авлодларга тўла-тўкис етказиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Бироқ Оролбўйи ҳудудларида ҳайвонот дунёсига зарар келтириш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Бундай қонунбузилишларга нисбатан қандай чоралар кўрилади?**

**Б. УТЕПБЕРГЕНОВ,**
**«Орол» оператив гуруҳи инспектори.**

— Дарҳақиқат, Орол табиатини муҳофаза қилиш прокуратураси Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда олиб борган текширишларда Мўйноқ тумани ҳудудида жойлашган "Судочье" кўли атрофида кенг тарқалган ондатра ҳайвонлари ноқонуний тарзда овланаётганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди. Етказилган зарарни ундириш ва қонунбузилишларнинг келиб чиқишига имкон яратган шароитни бартараф қилиш чоралари кўрилмоқда.

**С. ИМАТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.**

## Қуёш қачон тутилади?

***— Яқинда Интернетда тарқатилган маълумотлардан бирида бу йил қуёш тутилиши ҳақида ўқиб қолдим. Табиатда кузатиладиган бундай ҳодисалар биз учун доимо қизиқ бўлиб келган. Айтинг-чи, бу гап ҳақиқатга қанчалик яқин? Агар чиндан ҳам қуёш тутиладиган бўлса, бу воқеага ўзбекистонликлар ҳам гувоҳ бўлишадими?***



**Муталбек АБДУСАМАДОВ.**
**Зарбдор тумани.**

— Ҳақиқатан ҳам, олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, жорий йилда шундай ҳодиса бўлиб ўтади. Яъни, бу жараён 2008 йилнинг 1 август кунига тўғри келади. Қуёшнинг тўла тутилиши дунё вақти билан соат 9:22 да Канада шимолида жойлашган «Куин-Мод» қўлтиғида бошланади. Кейин ой сояси шимолга ҳаракатланиб, «Виктория» оролининг шарқий қисмига, «Кинг-Уильям» ороли ғарбига ўтади. Тўла тутилиш фазаси Россиянинг бир қанча шаҳарларида кузатилади. Нисбатан кўламли тутилиш Новосибирск шаҳрида бўлади.

Тошкент ва Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам қуёшнинг қисман тутилишини кузатиш мумкин. Тутилишнинг авжи Тошкент вақти билан соат 15:25 да рўй беради.

Бу галги тутилишда яна бир ажойиб табиат ҳодисаси кузатилади. Яъни, Қуёшнинг шарқий томонида Меркурий, Венера, Сатурн, Регил юлдузлари ва Марс сайёралари саф тортиб турган бўлади. Лекин бу ҳодисани қуёш тўла тутилган жойлардагина кўриш мумкин, холос.

**Чори ШЕРДАНОВ,**
**ЎзР ФА Астрономия институти катта илмий ходими.**

## Терма жамоамиз Африкага борадими?

***— Футбол бўйича жаҳон чемпионатига Осиё қитъаси учун нечта ўрин ажратилган? Миллий терма жамоамиз мазкур ўйинларда қатнашиш учун қайси босқичлардан ўтиши керак?***



**Акрам ХОЛДОРОВ.**
**Пастдарғом тумани.**

— 2010 йили Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионати финал қисмига Осиё қитъаси учун 4,5 та ўрин ажратилган. Унда иштирок этиш учун Ўзбекистон терма жамоаси тўрт босқичли саралаш учрашувларидан муваффақиятли ўтиши лозим. Хабарингиз бор, йигитларимиз биринчи саралаш босқичида Хитой Тайпейи жамоасини икки ўйин натижасига кўра мағлубиятга учратиб, тўғридан-тўғри учинчи босқичга йўл олди. Терма жамоамизнинг қитъада рейтинги юқори бўлганлиги сабабли, иккинчи босқич учрашувларидан озод этилди. Учинчи босқичда Осиё қитъасининг 20 та кучли жамоаси иштирок этади. Дурбан шаҳрида бўлиб ўтган қуръа натижаларига кўра, футболчиларимиз Саудия Арабистони, Ливан ва Сингапур терма жамоалари билан биргаликда 4-гуруҳдан жой олган. Гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган 10 та жамоа тўртинчи босқичга йўл олади. Ушбу босқичда бештадан жамоа икки гуруҳга бўлиниб, кураш олиб боради. Биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар тўғридан-тўғри жаҳон чемпионати финалига чиқади. Учинчи ўрин соҳиблари ўртасида ўзаро учрашув ўтказилиб, ғолиб жамоа Океания минтақаси вакили билан жаҳон чемпионати йўлланмаси учун курашади.

**Санжар РИЗАЕВ,**
**Ўзбекистон Футбол федерацияси матбуот хизмати бошлиғи.**

**Яна саволларингиз борми, муҳтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!**

# ОҚИБАТ — АЗИЗ, ХОТИРА — МАНГУ

(Давоми. Боши 1-бетда).

андишасидан, ҳурмату эъзозидан, марҳаматидан ибрат оласан. "Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ" деганларидек, баъзида беапарволикка йўл қўясан. Вақти келиб пушаймон бўлишингни, афсусу надомат чекишингни унутасан. Сўнгра кўнглинг симиллаб оғрийди.

Тошкентдаги 70-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Ғаниева бугунги фаровон турмушимиз, файзиёб кунларимиз ҳақида шундай дейди:

— Соҳибқирон Амир Темур, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, имом Бухорий, имом Мотуридий, Ҳаким Термизий, Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Замашхарий... Эҳ-е, санаб адоғига етмайсан. Уларнинг қони бизнинг қонимизда, фарзандларимиз қонида оқиб турибди. Юртбошимиз шону шуҳратга бурканган, аммо мустабид тузум даврида атайлаб унутилишга маҳкум этилган боболаримиз қадр-қимматини ўз мартабасига қайтариш баробарида халқимизнинг ҳам қаддини кўтардилар. Буюк хотирани, пок анъаналарни, садоқат ва оқибатни, улуғликни қалбимизда уйғотдилар. Чунки биз шунчаки кун кўриш иштиёқида яшаётган миллат эмасмиз, биз — жаҳонни гўзал маърифатимиз, маданиятимиз, истеъдодимизга эргаштирган миллатмиз. Мен ўқувчиларимни ҳар йили Хотира майдонига олиб бораман. Фахрланишлари учун, кимликларини англаб олишлари, бу дориломон кунларнинг қадрига етмоқлари, мард, жасур ва иродали бўлмоққа боболари руҳидан куч топишларини истаб бу ишни қиламан. Ўқувчиларим айвондаги темир дафтарлар варақларини силаб-сийпаб, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган боболари исму шарифларини овоз чиқариб ўқишганларида, кўзлари ёнади, бирпасда жиддий тортиб, улғайиб қолагандек бўладилар. Зеро, энг оддий ва лекин мангу ҳақиқат шуки, "Тарихий хотирасиз келажак йўқ". Хотира инсон қалбини илоҳий нур билан тарбиялайди.

Дарҳақиқат, инсон ўтмишини англаб етса, тез улғаяди. Ўйлаб қадам босади. Етти ўлчаб бир кесадиган бўлиб қолади. Нақадар улкан ва муқаддас масъулият зиммасига юклатилганлигини мушоҳада этишга киришади.

Бундан йигирма йилча бурун урушнинг биринчи кунидан охиригача жанг қилган, Самарқанднинг «Оқмачит» маҳалласи табаррук оқсоқолларидан бири Садриддинхон бобо билан учрашганимизда, "Биз иблис ғояси билан олишганмиз, немислар билан эмас" дея таъкидлаб, уруш хотираларидан сўз очгандилар:

— Днепр дарёсидан ўқ ёмғири остида кечиб ўтганларнинг аксарияти Ўрта осиёликлар эди. Қўлларимизга тутқазилган қурол пилта милтиқдан ҳам бешбаттар. "Урҳо-ур" дея наъра тортиб, олға ташланганимизда овозимиз бомбаларнинг портлашидан кўра баландроқ янграган.

Садриддинхон бобо армонда кетди. Тан олинган ва олинмаган дўстларининг номини тиклолмаслик алами, ўнлаб жароҳатлар букмаган иродасини синдиролмади, аммо соғлиғини синдирди. Истиқлол кунларига етар-етмай оламдан кўз юмди.

Қарангки, 1995 йили Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳнамолигида "Хотира китоби" яратилиб, унда қаҳрамон ватандошларимиз номи ва шаъни тикланди. 1999 йил эса узунлиги 60 метрлик Хотира майдони барпо этилди. Шимолий ва жанубий томонларида айвонлар қурилиб, айвонлар токчаларидаги пўлат тахтачаларга зарҳал ҳарфлар билан қирғинбарот урушда ҳалок бўлган ўзбекистонлик баҳодирларнинг исмлари муҳрланди. Бинобарин, улар Истиқлол учун курашган, ёруғ кунлар учун жонини фидо қилган асл фарзандлар эдилар...

Эътибор беринг, бу даҳшатли муҳорабаларда 1,5 миллион ватандошимиз иштирок этган. 400 минг ўзбекистонлик ҳалок бўлган. Тахминан 130 минг киши бедарак кетган.

Юртбошимиз "Хотира майдони"ни бунёд этиш арафасида, очилиш маросимида, ундан кейинги йилларда ҳам ҳамиша, мунтазам равишда асосий эътиборни қадр-қимматга, ўтганлар ёдини унутмасликка, тирикларни эъзозу эҳтиром этишга ундаб келадилар. Ҳар йили уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, табаррук отахону онахонларимизга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Уларнинг ҳолидан хабар олинади. Керак бўлса, тегишли ёрдам берилади. Қолаверса, йил давомида маҳаллий ҳокимликлар кўмагида отахонлару онахонларимиз юртимизнинг табаррук қадамжоларига зиёратга боришади, турли-туман даволаш муассасаларида, оромгоҳларда саломатликларини тиклашади, кўнгилли ҳордиқ чиқаришади.

— Қари билганни пари билмас, – дейди Олтинкўл туманида истиқомат қилувчи Ҳожар она. — Кексалар ҳақ гапни айтишади. Юртимизда биз, кексаларга ҳурмат ва эътибор кейинги йилларда ошганидан жуда мамнунмиз. Қишлоғимиз мактаби каттакон қасрга ўхшайди. Балнисасига қараб оғзинг очилади. Озода, шинам. Аломат, қимматбаҳо нарсалари кўп. Дўхтирлариям зўр. Шу ёшда зориқиб қолмаганимдан суюнаман. Негаки, пенсиямиз ҳар йили ошиб боряпти. Шукур. Невара-эвараларимга "Ҳузурижон



замон бўлди. Уни авайлаб-асранглар. Президентимиз айтганларидек, зукко, доно, бахтли бўлинглар" деб кўп тайинлайман. У киши фақат "Она халқим янаям яхши яшаши керак" деб таъкидлайдилар. Меҳр-оқибатни баланд тутинглар, дейдилар ёшларимизга. Барака топсинлар.

Мамлакатимизда меҳр-оқибат ўзига хос олий мақом касб этди. Бинобарин, тўққиз йилдан бери нишонланиб келинаётган Хотира ва Қадрлаш куни чинакам маънода асл ва абад ўзбекона ахлоқнинг ёрқин бир кўриниши, ҳавас қилса, ибрат олса арзигулик маънавият кунига айланди. Алҳол, қадр кўрсатган — қадр топади. Бугун онахонлару отахонларимизга кўрсатаётган иззату икромимиз эртага болаларимиздан минг чандон бўлиб ўзимизга қайтади.

**А**ждодлар ибрати, уларнинг оламшумул фаолияти, мардлик ва жасоратлари, элу юрт равнақига қўшган хизматлари юрагимизда мудом акс-садо бериб турса, шубҳасиз, орзуларимизга, умидларимизга, ниятларимизга етамиз. Шундай экан, "Хотира майдони" ва "Хотира ва Қадрлаш куни" бизга ана шу мақсадда зарур ва жуда ҳам азиз, табаррук, аҳамияти беқиёс.

Бу ҳақиқатни эса унутишга, бир зум ҳам хаёлдан чиқаришга ҳақимиз йўқ.

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

## СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

**қуйидаги кафедраларнинг вакант ўринлари бўйича профессор-ўқитувчилар учун танлов эълон қилади:**

1. **«Солиқлар ва солиққа тортиш» кафедрасига:** кафедра мудири, профессор — 1 та, доцент — 1 та, катта ўқитувчи — 1 та, ўқитувчи — 1 та.
2. **«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасига:** кафедра мудири, профессор — 1 та, доцент — 1 та, катта ўқитувчи — 1 та, ўқитувчи — 1 та.
3. **«Молия ва кредит» кафедрасига:** профессор — 1 та, доцент — 1 та, катта ўқитувчи — 1 та, ўқитувчи — 1 та.
4. **«Иқтисодий фанлар» кафедрасига:** кафедра мудири, профессор — 1 та, ўқитувчи — 1 та.
5. **«Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедрасига:** кафедра мудири, профессор — 1 та, доцент — 1 та.
6. **«Ҳуқуқий фанлар» кафедрасига:** кафедра мудири, профессор — 1 та, доцент — 1 та, ўқитувчи — 1 та.
7. **«Тиллар» кафедрасига:** кафедра мудири, профессор — 1 та, доцент — 1 та, катта ўқитувчи — 1 та.
8. **«Информацион технологиялар» кафедрасига:** профессор — 1 та, доцент — 1 та, ўқитувчи — 1 та.
9. **«Жисмоний тарбия» кафедрасига:** кафедра мудири — 1 та, ўқитувчи — 1 та.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:
— *ариза;*
— *шахсий варақа;*
— *таржимаи ҳол;*
— *4 дона 4x5 ҳажмдаги фотосурат;*
— *иш жойидан тавсифнома (ҳужжат топширгунга қадар ишлаган бўлса);*
— *олий ўқув юртини тугатганлик ҳақидаги диплом;*
— *кафедра мудири, профессор номзодларига фан доктори ва профессор илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;*
— *илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;*
— *эълон қилинган илмий ишлари ҳақида маълумот.*

**Эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳужжатлар бир ой давомида қабул қилинади.**

**Ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:**
**Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, «Кичик халқа йўли» кўчаси, 3-уй, Солиқ академияси биноси, 215-хона.**
**Телефон: 217-44-87.**

694R/743




(Давоми. Боши 1-бетда).

## СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

йигитларимиз муваффақияти билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бангкок рингларида Мавлонбек Қаҳҳоров, Азизбек Назаров, Артур Қодирқулов, Фирдавсий Холмуродов, Убайдулла Каримов, Анвар Бойназаров, Жасур Мирзамуҳаммедовлар ўз вазн тоифаларида «олтин», Юсуф Ибрагимов эса «кумуш» медаль соҳиби бўлишди.

Албатта, ҳамюртларимизнинг бу ютуқлари тасодифий эмас. Уларнинг замирида Президентимиз томонидан юртимизда спортга, айниқса, болалар спортига берилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик мужассам.

— Очиғи, шогирдларимнинг ғалабалари бунчалар катта шодиёналарга айланиб кетишини кутмагандим, — дейди муайтай бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Замирбек Қосимбеков. — Ҳеч бир шогирдимни камситмаган ҳолда икки карра жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Мавлонбек Қаҳҳоровнинг ютуғини алоҳида қайд этишни истардим. У ўз вазнида Таиланд, Австралия ва Эрон мамлакатларининг тажрибали муайтайчиларини осонлик билан мағлубиятга учрата олди. Чиройли техникаси билан мутахассисларда яхши таассурот қолдирди. Залга йиғилган минглаб мухлислар унинг ҳар бир жангини олқишлаб туришди.

Бугунги маросим бизни жорий йилнинг сентябрь ойида Пусан (Жанубий Корея)да ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам муваффақиятли қатнашишимизга пойдевор бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

***Комил инсонни шакллантиришда санъатнинг ўрни беқиёс. Мутахассисларнинг фикрича, ёшликдан санъат сирларидан баҳраманд бўлиб бориш кишининг маънавий оламини гўзаллаштиради, она Ватанга содиқ ва аждодлар яратиб қолдирган миллий анъаналарга ҳурмат-эҳтиром туйғусини оширади.***

# МУСИҚА КЎНГИЛНИ ЮКСАЛТИРАДИ

▼ Санъат

**Ч**ирчиқ шаҳрида жойлашган Ҳамза номидаги 7-болалар мусиқа мактабида иқтидорли ёшларнинг маънавий туйғуларини тарбиялаш ишида катта тажриба тўпланган. Ўқув даргоҳида 40 нафар малакали мураббий 300 нафардан зиёд иқтидор соҳибларига мусиқа, рақс ва тасвирий санъатдан сабоқ беришади. Хусусан, мусиқа йўналишида ўзбек халқ чолғулари, фортепьяно, скрипка, жаҳон ва рус халқ чолғу асбоблари, эстрада, гитара турлари бўйича ўрта маълумотли мутахассислар тайёрланади.

Илм масканида ёшларнинг пухта билим олишлари учун етарли шароит яратилган. Уч қаватли ўқув биноси ўтган йили жорий таъмир қилиниб, зарур техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шу боис ҳозирда мавжуд 61 та синф хонасининг барчаси замонавийлик касб этиб турибди. Шунингдек, таъмирдан чиқарилган икки юз ўринли концерт ҳамда хореография машғулотларига мўлжалланган заллар, 70 ўринли ошхона ва 80 минг китоб фондига эга кутубхона ёшларнинг тўкис билим олишларига хизмат қилмоқда.

— Ўтган ўқув йилида Мухтор Ашрафий ҳамда Қори Ниёзий номидаги танловларда скрипка бўйича Сардор Жумаев, фортепьяно бўйича Андрей Хаминтов, аккордеон бўйича Андрей Мамутов, гитара бўйича Александр Смирновлар биринчи ўринни эгаллашди, — дейди мактаб директори Гулнора Нурматова. — Бундан ташқари, тасвирий санъат бўлими ўқувчиси Пўлат Махамедов хорижда ўтказилган "Миср — болалар нигоҳида", "Москва" каби халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, биринчи ўринга сазовор бўлганлигидан чексиз фахрланамиз. Педагогик жамоамиз фарзандларимизнинг бундай муваффақиятидан илҳом олиб, санъат ихлосмандларини юракдан, қалб қўри билан ўқитишга ҳаракат қилиб келмоқда.

Мактаб ижодий жамоаси "Ўзбекистоннинг ёш истеъдодлари" оркестри, Ҳамза номидаги мусиқа коллежи ўқувчиларидан таркиб топган ўзбек халқ чолғулари оркестрлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Уларнинг вакиллари билан тез-тез мулоқотлар, учрашувлар ўтказилиб турилади.

— Жорий йил бошида Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши талаблари ижроси санъатга иштиёқманд ёшларимизнинг етук мутахассис бўлиб етишишларини таъминлайди, — дейди Г.Нурматова. — Мактабимизда шу мақсадда бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Бу борада Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бўлими яқиндан кўмак бераяпти. Мазкур режаларимизни амалга оширганимиздан сўнг мактабимизда 600 нафарга яқин ўқувчининг таълим-тарбия олишига шароит яратилади.

Шунингдек, хореография учун янги концерт зали қурилиб, тасвирий санъат бўлимининг замонавий устахонасига асос солинади. Хоналар жаҳон талабларига жавоб берадиган ўқув жиҳозлари ва энг сўнгги мусиқа асбоблари билан таъминланади.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**


*Вниманию руководителей организаций!*

**Организация предлагает в лизинг и на условиях купли-продажи**



**бетономешающую станцию**
*типа HZS50* производства Китая.

Производительность — 50 м³/час.

*Срок поставки — апрель-май 2008 года.*

Контактный телефон 252-28-95.
Факс 140-07-20.

ISO 9001:2000

COSCOM TARIFLARI ICHIDA

CHEMPION

TARIF REJASI

2 : 0

SENT O'ZBEKISTON BO'YICHA BARCHA QO'NG'IROQLAR SO'ZLASHUVNING BIRINCHI DAQIQASIDAN BOSHLAB

ABONENT TO'LOVI

COSCOM

Uyali aloqa uchun xarajatlarni hisoblashdan charchadingizmi?
Kalkulyator eng zarur narsaga aylanib qoldimi?
Tarif rejalarining ko'plab shartlari sizni adashtirib yubordimi?
Biz sizga juda ham oddiy tarifni taklif etamiz.
Hech qanday abonent to'lovi yo'q,
so'zlashuvning bir daqiqasi esa
endi haqiqatan ham 2 sent.
Va albatta, COSCOM abonentlaridan kirish qo'ng'iroqlari BEPUL!



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 37080 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.47 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6